

83.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ




**СЎЗ
СЕҲРГАРИ**

Йўлдош СОЛИЖОНОВ

СЎЗ СЕҲҲАРИ

4758



10/11

“Нихол”
Тошкент—2007

Масъул муҳаррир: – Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор У. Норматов

Солижонов Йўлдош.

Сўз сеҳргари. Адабий-бадиий нашр.

Сўзбоши муаллифи У. Норматов.

– Т.: “Ниҳол” нашриёти. 2007. 56 бет

XX аср Ўзбек адабиётининг атоқли вакилларида бири А. Қаҳҳор ижоди кўплаб илмий тадқиқот ишларига манбаа бўлган. Шунга қарамай, йиллар ўтган сари ёзувчи асарларининг янгидан-янги фазилатлари кашф этилмоқда. Адабиётшунос Й. Солижоновнинг ушбу рисоласи Абдулла Қаҳҳор асарларининг сеҳрли қатламларини очиш йўлидаги уринишлардан биридир. Унда ёзувчи асарларига шу куннинг кўзи билан қараб, янгича хулосалар чиқарилган. Ўйлай-мизки, муаллиф фикрлари ўқувчиларга ҳам маъқул бўлади.

Рисола адабиётшунослик илми билан шуғулланувчи барча мутахассислар, аспирантлар, магистрантлар, талабалар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-334-19-9

© “Ниҳол” нашриёти. 2007

СЎЗ СЕҲРИНИ ҲИС ЭТИБ...

Абдулла Қаҳҳор ҳақида мақола, айниқса китоб яратиш ҳам ма-роқли, ҳам ўта масъулиятли ишдир. Ўтган етмиш йил мобайнида адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган кўплаб мақолалар ҳамда китоблар чоп этилди. Аммо улардан озгина қисмигина бугунги кунда ўз аҳамиятини сақлаб қола олди холос. Буюк аллома Алишер Навоий сўзлари билан айтганда, «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ...» Шу маънода улкан адабиётшунослар О.Шарафидинов, М. Қўшжонов кабилар панжаси-га ҳам панжа урмоқ осон эмас.

Таниқли адабиётшунос Йўлдош Солижонов ўзининг «Сўз сеҳрга-ри» номли рисоласида ана шу жиддий масъулиятни чин дилдан ҳис эт-ган ҳолда улуғ ёзувчи Абдулла Қаҳҳор мавзусига қўл урган. Бадиий асарни биринчи галда сўз санъати деб билиш, талқин ва таҳлил этиш бобида каттагина тажриба тўплаган дўстимиз Йўлдошали бу китобида ҳам айни шу йўлдан борган. Абдулла Қаҳҳор ижодининг қатор муам-моларини, айрим асарларини айни шу жиҳатдан текширишга жазм этган. Рисоланинг «Сирлар оламига саёҳат» сарлавҳали илк бобидаёқ улуғ адиб асарларига хос Қаҳҳорона жозиба – унинг беназир тилида, ифода услубида эканини муаллиф эҳтирос билан сўзлаб беради, ўқув-чида ёрқин, кўламли тасаввур туғдиради. «Бошсиз одамнинг такомил-лашуви» сарлавҳали галдаги бобда эса адибнинг ўзи илк муваффақият-ли чиққан ҳикоям деб эътироф этган «Бошсиз одам» асарининг нашрла-рини қиёсий таҳлил этиб, адибнинг асар матни, тилини сайқаллашти-рини устида олиб борган ижодий ишлари ҳақидаги мароқли кузатишлар-и билан бизни ҳам адибнинг маҳораги сирларига ошно қилади.

Деярли бир даврда яратилган «Қотилнинг туғилиши» билан «Са-роб» матнининг қиёсий таҳлили, ҳар икки асар орасидаги муштарак ва фарқли жиҳатлар ҳам рисолада яхши очилган. «Сароб»да муаллиф «Қотилнинг туғилиши»га нисбатан бениҳоя олға кетганлиги алоҳида таъкидланган.

«Чинор ҳақида уйлар», «Синчалак парвозидан кутилган ният» боб-ларида кўтарилган муаммолар бироз ўзгачароқ бўлса-да, барибир, муаллиф гапни охир оқибат А. Қаҳҳорнинг сўз сеҳрарлиги муаммоси-га олиб бориб тақайди ва шу тариқа рисолаининг мантиқий яхлитлигини таъминлайди.

Умуман олганда «Сўз сеҳргари» рисоласи мароқли бир асар сифа-тида улуғ адиб таваллудининг 100 йиллигига муносиб тўёналардан биридир ва сиз билан бизни ҳам ёзувчининг сўз сирлари оламига мароқ-ли саёҳат қилишга таклиф этади.

Умарали Норматов
Филология фанлари доктори, профессор

СИРЛАР ОЛАМИГА САЁХАТ

Ўзбек адабиётининг тараққиётида, айниқса, унда янги жанр ҳисобланган реалистик ҳикоянинг камол топишида, юксак чуққига кўтарилишида улкан сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳорнинг хизмати катта бўлди. Ўзбек адабиёти янгиланиш жараёнини бошдан кечираётган XX асрнинг 20-30 йилларида худди Абдулла Қодирий ўзбек романчилигида, Ҳамза Ҳакимзода драматургияда, Чулпон шеърятда ислоҳ ясагани сингари А.Қаҳҳор ҳам эпик турнинг кичик жанри ҳисобланган ҳикоячиликнинг ривожланишига ана шундай ҳисса қўшди. Унинг ҳар бир асари ўқувчини ўзининг бадиий гўзаллиги билан мафтун қиладиган, сюжети ва композицион қурилишининг пишиқлиги билан ҳайратга соладиган, тилининг мукамаллиги ҳамда самимийлиги билан ҳаяжонлантирадиган ижод намуналаридир. Бу асарларни мутолаа қилган ҳар қандай китобхон ўзини сеҳрлар оламига кириб қолгандек ҳис қилади. Бу сирлар оламининг айрим фазилатлари ҳақида талай тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, йиллар ўтган сари улар тобора кўпайиб бораётир ва янги-янги қирралари кашф этиляпти.

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоянавислик санъати ўздан кейинги бутун бир ижодкорлар авлоди учун ибратли мактаб бўлиб қолди. Адибнинг, айниқса, ҳикоя макроструктурасини қуриш ва сўз устида ишлаш тажрибаси туганмас сабоқ бўляпти. Бу ҳақда давримизнинг катта адаби Одиш Ёқубов шундай ёзади: «...тил масаласида ўзим учун бир нарса олиш мақсадида Абдулла Қаҳҳорни қўлга оламан.» Бу таъриф бежиз айтилмаган. Чиндан ҳам ёзувчи асарларида автор нутқи ҳам, персонаж нутқи ҳам ўта сайқал топган, қолига солинган гиштдай пишиқ ва текис бўлиб, унинг биронтасини ҳам олиб ташлаш ёки алмаштириш мумкин эмас. Чиндан ҳам А.Қаҳҳор ҳикояларини умрбоқий қилган сирлар кошонасининг олмос устунларидан бири унинг сўз устида ишлашидир. Ёзувчи халқ тилини бениҳоя яхши билар, қадрлар ва унга масъулият билан ёндашар эди. Шу боис унинг ҳикояларида автор нутқи ҳам, персонаж нутқи ҳам ўқувчига ўта тушунарли, табиий туйилади. Шуниси борки, асар организмдаги биронта сўзнинг ортиқчалиги сезилмайди. Аксинча, ихчам иборалардан ташкил топган тасвирлар маънодорлиги билан исталганидан кўра кўпроқ мазмун касб этади.

Масалан, ёзувчининг «Томошабоғ» ҳикоясида шундай эпизод бор: тоби қочиб қолган қадоқчи Ҳамроқулни шаҳардаги «Романска» томошабоғининг қоровули «Юзини кексаликдан кўра кўпроқ кўргуликлар гижимлаб ташлаган» Уста кулол (Стокгулов) кўярда-қўймай боққа олиб қиради. Улар ўтган йили баҳорда, шу ўрис кишисининг «гул қўядиган

вазасини қадақлаб берганида танишган эди»лар. Уста кулол дўстига сув ичирди ва бироз дам олишга ундади. Бироқ шу пайт бу ерга «хотинчалиш бир офицер» етиб келади ва иккови қарияни тепади. Чунки «ўзларига соҳиблик қилиб турган русия тураларининг истироҳатгоҳларига» ерлик саргияларнинг кириши мумкин эмас-да! Ёзувчи бу ҳолагни ортиқча изоҳлар билан тасвирлаб ўтирмай, «Чурр... Миршаб!» деган иборани ишлатади. Мана шу қисқа иборанинг замирида манзара ҳам, руҳий ҳолат ҳам, тўқнашув ҳам, яна айтилмаган қанчадан қанча мазмун ҳам бор. Адиб тасвирламаса ҳам ўқувчи бу иборадан миршабнинг шпорларини жаранглатиб етиб келганини, лунжини шишириб хуштак чалганини, юздан ғазаб ва нафрат ёғилиб турганини кўради, эшитади. Оқибат шу бўлдики, «Миршабхона эшиги очилиб икки ошнани ютди.» Мана шу ердаги «ютди» сўзи ёзувчи томонидан ниҳоятда топиб қўллапилган ва у ҳикоянинг гоаявий хулосаси мағзини тўлдирган. Ҳа, ютилган нарсга қайтиб чиқмайди. Мазкур мисол автор нутқига тегишли. Энди персонажлар нутқига хос ўзига хосликни кўриб чиқайлик.

«Ўжар» номли ҳикоясида атиги учта персонаж қатнашади: Қутбидинов, Заргаров ва ўқувчи Суяр. Уларнинг ҳар бири ўзига хос нутқ индивидуаллигига эга. Ёзувчи қаҳрамонларига «икки танқидчи» деган изоҳдан бонқа таъриф бермайди. Аммо ўқувчи уларнинг ўзларини ўта билимдон деб билсалар-да, ҳеч нарсга билмасликларининг гувоҳи бўлади. Икки танқидчи суҳбатда шахмат ўйинининг зарари, ёшлар тарбияси, адабиёт тўғрисида фикр алмашадилар. Суҳбатнинг ҳар бир мавзусида уларнинг ғирт саводсизлиги аён бўлади. Аммо ёзувчи уларни атайлаб шу ҳолга солмайди. Персонажларнинг ўзларини ўзлари фош этиши учун адиб шундай қулай вазият яратадики, бу табиийлик ҳикоянинг реалистик кудратини бир поғона юксакликка кўтаради. Масалан, шахмат ўйини ҳақида гап кетар экан, Қутбидинов ўзининг бундан бир неча йил муқаддам Бобожонов деган билан ўйнаб, рақибни шоҳини олиб қўйса ҳам ўйинни давом эттириб, уни ютганини айтиб мақтанади. Ўзининг маҳоратига тап берган Қутбидинов «Шундан бери ўйнамайдиган бўлиб кетдим. Хўш, ана, қолдирдим, нима бўпти?» дейди. Заргаров унга албатта ҳамдардлик билдириши, дўстини мақташи шарт. Бироқ у ҳам шахмат нималигини билмайди. Шунинг учун бепарвогина «Шуни айтинг, поезддан қолибдими?» дейди. Бу ердаги «поезддан қолибдими?» ибораси шу қадар ўринли қўлланилганки, унда Заргаровнинг билимсизлиги ҳам, лоқайдлиги ҳам, ҳамсуҳбатининг гапларини умуман тушунмаганини ҳам, шунчаки йўлига нимадир дейиш керак қабилда гапириб қўйганига ҳам ишора қилинади. Бундай характерли мисолларни ёзувчининг ҳар бир ҳикоясидан кўплаб келтириш мумкин.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг ўлмас фазилатларидан яна бири

воқеанинг дабдурустан, яъни тугундан бошланишидир. Ёзувчининг деярли барча асарлари ана шундай кескинлиги билан эътиборни тортади. Бу хусусият китобхонни асарга бирдан жалб қилади, уни сеҳрлаб олади ва охиригача қўйиб юбормайди. Биринчи иборани ўқиши биланоқ ўқувчи тасавурида «энди нима бўлади?» деган савол туғилади. Санъаткор эса бу саволга жавоб беришга шошилмайди. Энг таъсирили ва залворли жавобни ҳикоянинг хулосасидан оламиз. Масалан: «Нисобуви эри ўлиб, иккита ёш боласи билан қолди» («Бошсиз одам»). Тақдири қандай бўлар экан? «От мункиб кетиб ўмгаги билан шағалга қадалди-да, ағанаб, бир неча минутнинг ичида ўла қолди» («Мастон»). Эгаси соғми? Буёғи қандоқ бўлади? «Шундай қилиб Аҳмад полвон сўйиладиган бўлди» («Кўр кўзнинг очилиши»). Ана холос! «Сотиболдининг хотини оғриб қолди» («Бемор»). Энди нима бўлади? «Кампир тонг қоронғисиди туриб ҳўкизидан хабар олди. О!.. Ҳўкиз йўқ...» («Ўғри»). Ия! «Ўзининг айтишига кўра «нафис адабиёт муаллими» ўртоқ Боқижон Бақоев оғилга кириб таъби хира бўлди» («Адабиёт муаллими»). Нега?

Кўриниб турибдики, ҳикояларнинг бошланишиёқ ўқувчида юқоридаги савол ва ҳис-ҳаяжонларни пайдо қилиб, ўзи учун нотаниш сирлар оламига етаклайди. Бу фазилат А.Қаҳҳорнинг фақат ҳикояларигагина хос эмас. Адибнинг роман ва қиссалари ҳам ана шундай тугундан бошланиши билан эътиборни тортади. Масалан, «Сароб» романининг «Қиз эшик олдига юраги бетламайроқ келди» деб бошланган илк иборасиёқ китобхонда «Қиз ким? Қаердаги эшикка? Нега юраги бетламай келди? Бу қанақа жой?» сингари талай саволларни туғдиради ва уларга жавоб олиш учун астойдил мутолаага киришади. «Қўшчинор чироқлари» эса тўғридан-тўғри «Қазисан, қартасан, ахир аслингга тортасан!-деди кампир омборни қулфлаётиб. - Энди жир битди-да! Битта кўйлак иккита бўлди! Увада, ислиқи тўн, чилвир белбоғнинг хумориси тутгандир!..» қабилдаги шиддатли диалог билан бошланади ва шу ерданоқ конфликт кескинлаша бошлайди. Бу адиб ижодининг бош услубига айланган фазилат бўлиб қолди.

Абдулла Қаҳҳор ўз ҳикояларининг хулосасига ҳам алоҳида эътибор беради. Бу хулосалар воқеаларнинг шунчаки якуни бўлиб қолмайди, балки бош ғояни янада бўрттириб, ярқиратиб кўрсатишга хизмат қилади. Ёзувчи ҳар қандай мавзудаги ҳикояларининг хулосасига «портловчи модда»ни кўпроқ жойлаштиради. Бу билан у ўқувчи қалбида асарда кўтарилган муаммонинг моҳиятига, тасвирланган қаҳрамоннинг қисматига чексиз хайрихоҳлик, ёвуз кучларга нисбатан эса беқиёс нафрат уйғотади. Масалан, «Ўғри» ҳикоясини олиб кўрайлик. Ҳўкизи «ўғирланган» Қобил бобога «яхшилик» қилиш ниятида эллиқбоши қайнотаси Эгамберди пахтафурушдан ҳўкиз олиб бермоқчи бўлади.

Чолни бошлаб борганида «Пахтафуруш унинг ҳолига кўп ачинди ва ерини ҳайдаб олгани битта эмас, иккита ҳўкиз берди. Лекин «кичкинагина» шарт бор. Бу шарт кузда маълум бўлади...» Бу шартнинг нимадан иборат эканини автор айтиб ўтирмайди. Зеро, изоҳчи ожати йўқ. Энди Қобил бобонинг ҳолига маймунлар йиғилайди. Чунки зиёрак ўқувчи элликбоши билан қайнотаси Эгамберди пахтафурушнинг бу «сахийлиги» замирида қандай фожиа яширинганини жуда яхши тушуниб этади. Бу каби кучли портловчи хулосалар билан тўйдирилган ҳикоялар сафига ўтмиш мавзусида яратилган «Бемор», «Анор», «Даҳшат» кибиларни ҳам кўпиш мумкин.

Ёки замонавий мавзуда ёзилган «Нурли чўққилар» ҳикоясини олиб кўрайлик. Унда оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриб бахтга эришмоқчи бўлган Зуҳра нафақат эри, балки туғишанларидан, ҳатто ўз қизидан ҳам бегоналашиб қолади. Қизини Фотима олиб кетаётганида нима қилишини билмай қолган Зуҳранинг ҳолати шундай тасвирланади: «Зуҳра кўзи жиққа ёшга тўлиб, қўлидаги катак рўмолчасини силтади: шундай яхши қизи борлигини, уни кўп уришиб ўзидан бунчалик бездириб қўйганини энди пайқади; билагига таппаб олган жилеткаси оёғи остига тушганидан беҳабар, автобуснинг кетидан бир-икки қадам босди...». Бу тасвирнинг зиммасига юкланган мазмун ниҳоятда залворли. Унда Зуҳранинг мураккаб қисмати, армонлари, орзулари, юрагини кемирган, аммо айтолмаган дарду ҳасратлари яширишган.

Абдулла Қаҳҳор бунёд этган ижод кошонасининг мармар устунларидан яна бири аксарият асарларининг эпиграфлар билан бошланишидир. Ёзувчи 6 томлигининг 1-томига киритилган 38 ҳикоянинг 16таси эпиграф билан бошланади. Бу эпиграфлар шунчаки асарни беэши ниятида берилмаган. Улар адиб томонидан пухта ўйлаб, халқ мақоллари, ибратли ҳикматлар ёки таниқли шоирларнинг шеърларидан танлаб олинган. Улар гўё асар организмнинг умуртқа суяги сингари бутун гавдани кўтариб, сюжет линияларини бирлаштириб туради. Мабодо, сарлавҳа бўлмаса ҳам эпиграф асарнинг асосий ғоясини ўзида тўла намоён қилади. Масалан, «Ўғри» ҳикоясига «Отнинг ўлими итнинг байрами», «Бемор»га «Осмон йироқ, ер қаттиқ» каби халқ мақоллари бошсўз қилиб олинган. Ҳикояларни ўқиб бўлгач, ўқувчи беихтиёр «Қобил бобо от бўлди, амалдорлар ит бўлиб уни ғажидилар», «Сотиболди бечора қаёққа борсин? Дардини кимга айтсин? Учиб кетай деса, осмон узоқ, кириб яширишай деса ер қаттиқ!» деган тўғри хулосага келади.

Санъаткор асарларининг ёқимтойлигини таъминловчи фазилатлардан яна бири қаҳрамонлар ички дунёсини чуқур таҳлил этишида кўринади. Қаҳрамоннинг руҳий оламини тадқиқ этишда ҳам ёзувчи ортиқча сўз ишлаб ўтирмайди, балки кўпроқ деталларга суянади, порт-

ретдан, инсоннинг ҳатти-ҳаракатларидан, жести ва мимикасидан фойдаланади. Инсон психологиясини очишда санъаткор масъулиятининг роли тўғрисида адибнинг ўзи шундай ёзган эди: «Психологизм кишиларнинг ички дунёсига, уларнинг латиф-зариф томонлари ва гўзаллигига яхши эътибор қилиш тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш фурсати етди. Бу ёзувчилик маҳоратининг энг муҳим жиҳатидир.»¹

Мана шу айтганларига қатъий амал қилган А.Қаҳҳор қарийб ҳар бир асарида одам характериға холис туриб қўл урар экан, унинг ички дунёсини ишонарли ва тўлақонли очишға ҳаракат қилди. Масалан, ҳўкизини ўғирлатиб оғир аҳволда қолган Қобил бобонинг аянчли руҳий ҳолатини ихчамгина қилиб, «Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, яктакчан оғил эшиги ёнида туриб дағ-дағ титрайди, тиззалари букилиб-букилиб кетади; кўзлари жовдирайди, ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди» деб таърифлайди. Бу парчада қаҳрамоннинг ҳам сурати, ҳам сийрати тўла очилган. Бинобарин, чолнинг ташқи кўринишининг ўзи оламжаҳон маъно англатади. Айниқса, ҳаммага қараса-да, ҳеч кимни кўрмаслиги унинг ниҳоятда довдираб қолганидан, ким қаёққа етакласа кетаверишидан дарак беради. Ёки суюкли хотинининг истагини бажариш учун анор ўғирлашға мажбур бўлган Туробжоннинг «вужуди титраб эди» деган учта сўз ҳам хотиннинг, ҳам эрнинг улкан фожиасидан дарак беради.

Қаҳрамон психологиясини очишда деталардан фойдаланишнинг энг яхши намунаси сифатида машҳур «Асрор бобо» ҳикоясини олиш мумкин. Маълумки, ҳикояда Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзларининг баҳоли қудрат меҳнати билан умумхалқ ғалабасини яқинлаштиришға муносиб ҳисса қўшаётган оддийгина ўзбек оиласининг турмуши тасвирланган. Ҳикояни том маънодаги психологик асар деб аташ мумкин. Унда икки қария - Асрор бобо билан кампирининг бир-бирига ҳамдардлигини кўрсатиш орқали оғир уруш йилларида қаддини булмаган матонатли ўзбек кишиларининг характериға хос улкан фазилат улуғланади. Бу эр-хотиннинг бир-бирига меҳри, ҳурмати, бир-бирини тушуниши ва эҳтиёт қилишидир.

Чол-кампирнинг катта ўғиллари Ёдгор урушда ҳалок бўлади. Бу мудҳиш хабарни аввал ота, кейин она эшитадилар. Аммо улар буни бир-бирларидан яширадилар, ҳар бири дардни ўз ичига ютади. Ёнмаён ўтирганларида иложи борича ўзларини хурсанд, бардам тутишға уринадилар. Лекин касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Ана шу иситманинг даражасини муаллиф ниҳоятда ишонарли иборалар ва деталлар ёрдамида кўрсатиб беради. Адиб айрилиқ дарди Асрор бобо-

¹ А.Қаҳҳор. Асарлар 6 томлик, 6-том. Т., 1971. 277-бет.

ни ичдан ёндираётганини, унинг оташи ташқи қиёфасига таъсир этганини қуйидагича тасвирлайди: «Ҳайдар ота ер остидан унинг юзига қаради. Назарида Асрорқул яна ҳам қорайган ва ҳозир вужудидан тутун чиқиб кетаётгандай кўринди.» Асрор бобо-ю эркак киши, кўча одами дейлик. У ўзини иш билан овутади, таниш-билишлари орасида бўлади ва дардини бироз унутади. Бечора она бу дардни қандоқ кутаради? Чунки у доимо уйда ўтиради, ёлғиз, гаплашай, кўнглимни ёзай деса, кундузи ёнида ҳеч ким йўқ. Ваҳимали ўйлар уни оғир юк бўлиб эзди, ҳолдан толдиради. Табиийки, аламини эридан олгиси келади.

Кампир Асрорқулнинг дўсти Ҳайдар ота келганидан фойдаланиб, чоли ўғлидан келган хатларни анча вақтдан бери кўрсатмаётганини айтиб, аввал хархаша қилади. Кейин уйига келиб, билмасдан ҳол сўраб қўйган Абдумажиддан ўғлининг ҳалок бўлганини эшитиб, «Кампир говуш чиқармай куйиниб йиғлади» ва Ҳайдар отага «Ўртоғингизга айтманг» деб тайинлади. Ҳайдар ота бу совуқ хабарни эшитгач, «юраги орзиқиб, тилигача музлаб кетди.» Ҳайдар ота-ки шу аҳволга тушгандан кейин чолу кампирнинг ички оламида қандоқ пўртаналар рўй бераётганини англаб етиш қийин эмас. А.Қаҳҳор қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини ана шундай параллел равишда чуқур таҳлил қилади. Ёзувчи Асрорқул билан кампирнинг ички оламини ҳатти-ҳаракатларига мос равишда нутқлари зиммасига юклайди. Она ҳар доим ўғлини эслайди. Аёниқ, унинг кучи фақат йиғига етади. Ўчоқ бошида ҳам, дастурхон устида ҳам бегоҳат бўлиб ўтиради. Унинг бу ҳолатини ўқиганда ўқувчининг эсига беихтиёр Ғафур Ғуломнинг қуйидаги сатрлари келади:

Дастурхонда ош сузсак, бир насиба кам,

Қўмсайман бировни - аллакимимни.

Доимо умидим бардам бўлса ҳам

Баъзан васвасалар босар дилимни.

Кампирнинг овқат устидаги хархашасининг боиси ўғлининг соғинчи бўлиб, адиб томонидан ниҳоятда характерли деталлар ва иборалар орқали ишонарли ёритилган. Кўзи ёшланганига ўтинни, боласига ошдан илинганига чолининг турп чайнашини баҳона қилиши характер табиатини ниҳоятда очиб юборган.

Абдулла Қаҳҳор бундай маҳорат чўққисига осонликча эришмаганини унинг ҳар бир асари устида узлуксиз иш олиб бориши исботлаб турибди. «Мен асарларимни қайта-қайта ишлаганман, - деган эди устоз адиб ёшлар билан ўтказган суҳбатларидан бирида.- Баъзиларини икки-уч марта қайта бичиб-тикканман, ҳар сафар йўл қўйилган хатоларнинг ипидан игнасигача текшириб кўрганман». Қайта ишлашда санъаткор кўпроқ ихчамликка эришишга уринган, ортиқча сўз ва ибораларни шафқатсиз равишда қисқартириб, тасвирда кўркамлик ва аниқ-

ликни таъминлаган. Характерлар янада аниқроқ намоён бўлган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида А.Қаҳҳорнинг биринчи ҳикояси «Бошсиз одам» устида олиб борган таҳририни кўриб чиқайлик.

«БОШСИЗ ОДАМ»НИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Ҳар бир ижодкорнинг ғоявий фикрини, бадиий ниятини китобхонга мукаммал, тўлақонли, тушунарли етказувчи восита нутқ, нутқни ташкил этувчи сўзлардир. Бадиий асарнинг жозибадорлиги, сермазмунлиги, раvon ва пухталиги энг аввало, ёзувчининг тил материалидан қай даражада фойдалана олишида, сўзларни тежамли ва ўз ўрнида ишлата билишида намоён бўлади. Шунинг учун ҳақиқий санъаткор бўлишни истаган қаламкаш ўзининг асосий ихтисоси ҳисобланган сўз қўллаш маҳоратини мукаммал эгаллаши лозим. Асар тили нечоғлик маданий, гўзал, ихчам, тушунарли, содда ва ҳар қандай орғиқча юклардан халос бўлса, ўқувчи учун шунчалик ҳазми энгил ҳамда завқли бўлади. Буларнинг барчаси адабиётшуносликнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган автор нутқининг юксак даражада такомиллашгани билан чамбарчас боғлиқдир.

Нутқ маданияти бадиий адабиётнинг сифатини белгиловчи энг муҳим омилдир. Сўзни танлаб, саралаб, жойида ишлата билиш санъаткордан катта маҳорат талаб қилади. Аксинча, пала-партишликка йўл қўйиш асар сифатига жиддий пуғур етказди. Сўз танлай билиш ва уни ўрнида ишлата олиш аҳамияти тўғрисида атоқли рус ёзувчиси М. Горкий шундай деган эди: «Фактлар замирида яширинган ижтимоий ҳаёт маъносини унинг муҳимлиги, тўлаллиги ва ёрқинлигича тасвирлашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган бадиий адабиётдан **равон, тушунарли тил, пухта танланган сўзлар** талаб этилади... Ҳозирги ёзувчилар эса шундай **танлаб олиш**нинг нақадар аҳамиятли эканини яхши тушунмайдилар, бу эса **асарнинг сифатини** жуда ҳам пасайтириб юборади» (таъкидлар бизники - Й.С.).

Демак, бадиий адабиётдаги сифат ўзгариши даставвал, тилда ихчамлик, раvonлик ва соддаликка эришиш билан белгиланади. Улкан санъаткорлар ҳар доим ўз асарлари сифатини яхшилаш учун унинг тили устида қайта-қайта ихлос билан ишлаганлар. Чунки топиб қўлланилган биргина сўз қаҳрамон характерини ёрқинлаштириб юбориши, асар воқеалари ривожига табиийлик бахш этиши, тасвирга жон киритиб юбориши ва ўша асарнинг умри узоқлигини таъминлаши мумкин. Буни яхши англаган ўзбек адабиётининг кўплаб атоқли намояндалари адабий тилни тубдан янгилаш, халқ руҳига яқинлаштириш учун тинмай ҳаракат қилдилар. Ушбу муҳим вазифани адо этиш Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода, Чўлпон сингари буюк санъат-

корлар кетидан келаётган Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби бошловчи адиблар зиммасига тушди. Улар бу вазифани шараф билан бажардилар ва ўзбек адабий тилининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшдилар. Бу борада, айниқса, улкан сўз устаси, халқ тилининг йирик билимдони Абдулла Қаҳҳорнинг хизмати каттадир.

Абдулла Қаҳҳор бутун ижоди мобайнида сўз танлаш, уни ўрнида ишлата билиш, сўздан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор бергани туфайли маҳоратнинг юксак чўққисига эришгани адабиётшунослигимизда қайта-қайта таъкидланган. Аммо бу юксак чўққини ёзувчи фақат «чиройли иборалар, чиройли ифодалар, антиқа воқеалар, кулгили ва қайгули ҳолатлар топиш эмас», балки «халққа айтадиган зарур сўзимизни китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образлар яратиш» орқали забт этди. Ушбу чўққини эгаллаш санъаткор учун осон бўлмаганини Абдулла Қаҳҳорнинг бутун ижодий йўли яққол исботлаб турибди. Ёзувчининг «Сароб», «Кўшчинор чироқлари» романлари, «Янги ер» («Шоҳи сўзана»), «Тобутдан товуш» драмалари устида олиб борган узлуксиз меҳнатини М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Р.Қўчқоров сингари таниқли адабиётшунослар етарли тадқиқ этганлар. Хўб, бу асарлар устидаги таҳрир-ку мажбурият остида, мафкуравий тазйиқ туфайли амалга оширилган дейлик. Бироқ айрим ҳикоялари устида узлуксиз иш олиб боришига адибни нима мажбур қилди? Бу саволга илк ҳикояси «Бошсиз одам»ни такомиллаштириш устида олиб борган машаққатли меҳнатини таҳлил этиш орқали жавоб топишимиз мумкин.

Маълумки, Абдулла Қаҳҳорнинг илк тўпламлари «Қотилнинг туғилиши» билан «Олам яшарадир» 1933 йилда Бокуда лотин алифбосида босилиб чиққан. Бу тўпламларга ёзувчининг 12 та ҳикояси киритилган эди. Абдулла Қаҳҳор ўз ижодига юксак талабчанлик билан ёндашгани туфайли улар орасидан биргина «Бошсиз одам» ҳикоясини кейинги мажмуаларига киритди, холос. Бунинг сабабини ёзувчининг ўзи шундай изоҳлайди:

«Мен ҳаммаси бўлиб саксонга яқин ҳикоя ёзганман, лекин 1957 йилда чиққан «Танланган асарлар»им тўпламига шулардан фақат 26 тасини киргизишни лойиқ кўрдим, холос. Тўпламга кирмаган ҳикояларимнинг бир қисми ёзувчилик фаолиятимнинг дастлабки даврида ёзилган, уста кўрмаган шогирднинг машқлари, бир қисми ўзимга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бўш, жуда бўш чиққан бўлди. «Бошсиз одам» бундан мустасно. Чунки ҳикояда мен образ яратишга интилганман ва бунга маълум даражада эришганман. Шунинг учун дастлабки ҳикояларимдан тўпламга шуни киргиздим.»²

² А.Қаҳҳор. Асарлар. 6 томлик. 6-т., Т., 1971. 325-бет.

Бу Абдулла Қаҳҳорнинг ўз ижодига ниҳоятда юксак талабчанлик, бадий асар сифатига нақадар катта масъулият билан ёндашганидан далolat беради. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деган эди: «Мен асарларимни қайта-қайта ўйлаганман. Баъзиларини икки-уч марта қайта бичиб-тикканман, ҳар сафар йўл қўйилган хатоларнинг ипидан-игнаси-гача текшириб кўрганман.»³

60 йиллиги муносабати билан чиқарила бошланган 6 томлик «Асарлар»нинг 1-жилдига ёзувчи бутун умри давомида ёзган тўқсонга яқин ҳикояларидан атиги 38тасини киритди, холос. Орадан 20 йил ўтиб, нашр қилинган 5 жилдлик «Асарлар»ига адибнинг салоқатли умр йўлдоши Кибриё Қаҳҳорованинг розилиги ҳамда таҳрири билан яна тўртта ҳикояси қўшилди ва нашр этилган жами ҳикоялари сони 42 тага етди. Аслида ёзувчининг жуда кўп манбаларда қисса деб тан олинган «Олтин юлдуз» асари ҳам 6 томликнинг 1-жилдида ҳикоя деб тақдим этилган (5 жилдлик «Асарлар»нинг 3-жилдида эса қиссалар қаторида берилди). Тўғри, адиб вафотидан сўнг дунё юзини кўрган 6-томдан А.Қаҳҳорнинг турли йилларда ёзилган яна 8 та ҳикояси ўрин олган. Бироқ уларнинг айримларидан фелъетон ёки очеркнинг ҳиди келади. Мабодо, адиб ҳаёт бўлганида уларни ўқувчига тақдим этармиди, йўқмиди, буни худо билади.

Ҳар ҳолда А.Қаҳҳор ижоди тўғрисида монументал тадқиқотлар яратган олим О.Шарафиддинов айтганидек, адибнинг нашр этилмаган қирқдан зиёд «ҳикояси жуда заиф экан-да, деган хулоса чиқмайди. Абдулла Қаҳҳор бошқаларга ҳам, ўзига ҳам шафқатсиз даражада талабчан эди.» Ана шу талабчанлиги биргина «Бошсиз одам» ҳикояси устида олиб борган тинимсиз таҳририда ҳам кўринади.

Адабиётшунос У.Норматов Абдулла Қаҳҳорнинг адабиётимиздаги беқиёс ўрни ҳикоянавис сифатида алоҳида белгиланишини, бунда унинг мана шу озгина-ю созгина ҳикоялари муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлаб, шундай ёзган эди: «Адиб ҳаётлик вақтида ўз қўли билан тартиб берган олти жилдлик асарлари мажмуасининг фақат биринчи жилдигина ҳикоялардан ташкил топган (у ҳам тўла эмас, ярми очерк ва фелъетонлардан иборат - Й.С.). Ижодининг бор-йўғи олтидан бири... Лекин, барибир, шу олтидан бир ижод самараси унинг ёзувчилик қиёфасини белгиловчи бош омил бўлиб қолаётир.» Устоз О.Шарафиддинов ҳам А.Қаҳҳорнинг йирик прозаси, хусусан, «Сароб» романи «Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан кейин ўзбек прозаси забт этган иккинчи чўққи» эканини таъкидлайди. Демак, ҳикоялари А.Қаҳҳор эгаллаган биринчи чўққидир. Бундай чўққини эгаллашининг боиси яна бир карра Абдулла Қаҳҳорнинг ўз ҳикоялари устида эринмасдан, жиддий, куйинчаклик билан иш олиб борганидир.

³ Ўша асар. 327-бет.

Биз ёзувчининг дастлабки тўпламларидаги қайси ҳикоялари қандай сабабларга кўра кейинги нашрларга киритилмаганини таҳлил этишни ортиқча деб биламиз. Зеро, бу ҳақда адибнинг ўзи 1965 йилда ёш ёзувчилар билан ўтказган ва «Асарлар»нинг 6-жилдида эълон қилинган «Сухбат»ида етарли маълумот берган. Яхшиси, биз кейинги китобларига киритишга арзиган, улкан санъаткорнинг ўзига ҳам маъқул бўлган «Бошсиз одам» ҳикояси устида олиб боран ижодий изланишлари тўғрисидаги фикрларимизни ўртоқлаша қолайлик.

Абдулла Қаҳҳор ўзининг айтишича, «қалб ҳарорати билан илитилмаган, дардсиз, эҳтироссиз ёзилган совуқ асарлар»га мутлақо қарши эди. Мана шу қаршилик туйғуси унинг илҳом билан ёзилган илк ҳикояларидан «Бошсиз одам» устида жиддий иш олиб боришга ундади. Муаллиф ҳикояни дастлаб уч томлик «Танланган асарлар»га киритишдан олдин, яъни 50-йилларнинг ўрталарида қайта ишлаган. Бу фикрни шуни уч домлам» мақоласида «Бошсиз одам» ҳикоясидан келтирилган парча билан унинг фожиали қисмати тўғрисида»ги бу ҳикояни «Олам яшарадир» аввал адиб уни синчковлик билан «Танланган асарлар»га киритишдан риант А.Қаҳҳорнинг «холис туриб, кўздан кечирди. Қайта ишланган ва бирини кўрсатишга ва бунда биринчи марта одамнинг характериға қўл уришга ҳаракат қилгани», бу мақсади йўлида яна бир ҳовон ошганидан тасдиқлайди. Дарҳақиқат, ҳикояда одам характери холисона яратилганларда кам қатнашадиган уста Абдураҳмон ҳам бутун бўй-басти, ҳаттиҳаракати, сурати-ю сийрати билан кўзимизга кўриниб, сўзлаш тарзи, га хос характерини яратиш, ҳаттиҳаракати ва қилиғининг табиийлиги ишлатишга кўпроқ эътибор берди.

Аслида Абдулла Қаҳҳор фақат мавзу танлаш, гоё ва образ яратиш борасидагина эмас, балки уни тузатишда ҳам ўта инжиқ ва талабчан кўчиргани К.Қаҳҳорова, Саид Аҳмад ва бошқаларнинг хотираларини ёзувчининг ўзи шундай дейди: «Ҳис зарурати ва масъулияти тўғрисида ни икки киши чалгандай гап. Ҳис қилмасдан асарни тузатиш дуторкиши ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди. Ҳис қилмасдан асарни тузатиш дуторкиши ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди. Бундай машқдан ҳеч ким лазолат олмайди.» Тузатишдан кутилган мана шу талабларга «Бошсиз одам» ҳикоясида ёзувчи тўла амал қилган.

Ҳикоянинг «Олам яшарадир» тўпламига кирган нусхаси (1933 йил) билан адиб асарлари уч томлиги (1957 йил) ва 6 томлиги (1967 йил)даги матни солиштириб кўрсак, улар орасида ер билан осмонча фарқ борлигини кўрамиз. Бу фарқ биринчи галда ёзувчининг сўзни тежашида кўринади. Математик статистикани қўллаганимизда жуда ибратли рақамга дуч келамиз: муаллиф ҳикоянинг илк нусхасида (1933 йилги тўплам назарда тутиляпти - Й.С.) 964 та сўз (белги ёки ҳарф эмас) ишлатган бўлса, 1957 йилдаги иккинчи нашрида 718 та, 1967 йилги учинчисида 716 та сўз қолдирган. Моҳир санъаткор 250 га яқин сўзни «сиқиб чиқариш» ҳисобига ҳикоя макроструктурасида катта сифат ўзгаришига эришган. Зеро, «Кўп сўз ёлғоннинг юзини пардозлаш учун керак. Ҳақиқат шундай жононки, пардоз унинг ҳуснини бузади» деганди А.Қаҳҳорнинг ўзи. Бинобарин, ёзувчи бутун ижоди мобайнида улкан рус сатириги Салтиков-Шчедриннинг «Ҳамма лақмаликлар ичида энг ёмони адабий лақмаликдир» деган насиҳатига тўла амал қилган.

Ёзувчи ҳикоянинг дастлабки вариантыда Фаҳридинга шундай характеристика беради: «Фаҳридинда бир одат бор: биров қаншай зарур ишни сўрамасин, ҳамма вақт у орқасида қизиқ бир воқеа бўлиб тургандек орқасига қараб туриб ё «билмайман» дейди ёки «дадам биладилар», деб жавоб беради. Нисобувига ҳам шундай орқасига қараб туриб жавоб берди:

-Мен билмасам, дадам биладилар-да!»

Кўринадики, шу кичик парчанинг ўзида услубий ғализликлардан ташқари «бир, орқасига, қараб туриб, жавоб берди» сўзларининг ҳар бири камида икки мартадан такрорланган. Шунинг учун ҳам адиб кейинги нашрида бу маълумотдан ортиқча ҳисоблаган 24та сўзни олиб ташлади. Бунинг эвазига ҳикояни, хусусан, қаҳрамон характери тасвирини ниҳоятда ихчамлаштирди, қирраларини бўрттирди, уларга аниқлик киритди. Мана, қайта ишланган парча: «Фаҳридин осилиб турган қалин пастки лабини бир-икки қимирлатиб, билаги билан бурнини артиб жавоб берди:

-Мен билмасам, дадам биладилар-да!»

Уқоридаги таърифда айтиб бериш кучли эди, тузатилишида эса кўрсатиш. Бу ҳақиқий санъаткорона фазилатдир.

Меҳри касалхонада узоқ ётиб қолгач, Нисобуви Фаҳридинга бирор марта бориб «қалайсан» деб келмаганини айтиб, койийди. Биринчи нусхада Фаҳридин гўё бунга ўзининг ҳам ақли етарди-ю, ишдан қўли бўшамаётгандек таассурот қолдирадиган жавоб беради: «Ахир, бормайман деганим йўқ-ку!» Аслида унинг инон-ихтиёри бутунлай отасининг қўлида, унинг кўрсатмаси ва руҳсатисиз бир қадам ҳам босолмас, ақли етмасди. Фаҳридиндаги ушбу иллатни бўрттириб кўрсатиш ниятида ёзувчи кейинги нусхада буни шундай тузатди:

Нисобуви «бир куни куёвини койиди:

- Фахриддин, бир мартаба бориб эшикдан «қалайсан» деб келсангиз бўлмайдими?

Фахриддин пешонасига қўнган пашшани ушлагани қўл кўтарар экан:

- Дадам чоршанба куни боргин деяптилар, - деди.»

Қаҳрамон характерини ўта ярқиратиб, кўримли қилиб юборган «Фахриддин пешонасига қўнган пашшани ушлагани қўл кўтарар экан» деган ибора илк нусхада умуман йўқ эди. Бу тузатиш шу қадар ўринли тушганки, китобхон ундан Фахриддиннинг ўта лоқайд, бемаъни, дадасидан ўзгани тан олмайдиган ва танимайдиган бефаросат шахс эканини яққол кўрсатиб туради. Ҳикоянинг биринчи нусхасида Фахриддиннинг касалхонага Меҳрини кўргани бориши, унинг ҳолати, ҳаракати, қилиқлари тасвири ҳам ўқувчига ҳийла эриш туйилади. Айниқса, Меҳридан боланинг боши йўқлигини эшитиб ҳам ажабланмаслиги, кейин бекордан-бекорга кула бошлаши мантиққа мутлақо тўғри келмасди.

«Фахриддин кирганда Меҳри уйқуда экан. У секин ёнига борди.

- Э, ҳўй!.. Яхшимисан... Ҳўй!

Меҳри уйғонди ва секин:

- Келинг... - деди.

- Яхшимисан... Уйда сен йўқ, дадам қийналиб қолдилар. Дадам бориб кўриб келгин дедилар.

- Кундан кун баттар бўлган эдим... олиб ташлашди... Нақ ўлаёзим.

- Хайрияг.

- Кўрдим, боши йўқ...

- Майли-и-и, - деди Фахриддин чўзиб.

Кейин нимагадир у кула бошлади. Хотин «касални тинчсизлантрасиз» деб уни чиқариб юборди.»

Аввало, бу ердаги услубий ғализликлар, ўринсиз иборалар ҳамда тиниш белгиларини ишлатишдаги ортиқчаликларни бир четга қўйиб турганда ҳам вазиятнинг ўзи ишонарсиз чиққанини сезиш мумкин. Фахриддин хонага кириб гапиргандан кейингина Меҳрининг уйғониши ҳам ишонарли эмас. Чунки ҳамшира уни ташқарида бир неча соат кутишга бежиз мажбур этмагандир? Беморнинг уйғонишини кутгандир? Бундан ташқари, биринчи вариантнинг хулосаси ниҳоятда бўш. Ҳикоя Фахриддиннинг касалхонадан чиқариб юборилиши билан тугаши ҳеч қандай ғоявий-эстетик вазифа бажармаган. Бу Абдулла Қаҳҳордек санъаткор учун ёт хислат эди.

Ҳикоянинг биринчи нусхасида Нисобуви билан Меҳрининг тақдирини қандай тугагани ҳам номаълум бўлиб қолган. Кейинги нусхада ёзувчи қуйидаги хулосани киритди: «Меҳри касалхонадан чиққандан кейин Нисобуви иккала қизи билан номаълум томонга боп олиб кетди».

Умуман, ҳар иккала нусхада ҳам хулоса хийла заиф чиққан ва ёзувчи томонидан ўт очилган иллат таг-томири билан куйдирилмаган. Адиб охириги тузатишида ушбу қусурларнинг барчасига узил-кесил барҳам берди. Негаки, Фахриддин ҳар қанча ландавур, фаҳм-фаросатсиз, отасининг чизган чизигидан чиқмайдиган йигит бўлганда ҳам бунчалик аноий бўлиши, яъни боланинг боши йўқлигини эшитиб ҳам ажабланмаслиги кишини мутлақо ишонтирмайди. А. Қаҳҳор бунга тушуниб етган ва жиддий таҳрир қилган. Кейинги нусхаларда Фахриддин боланинг боғли йўқлигини эшитиб ҳайратланади, аммо негалигига ақли етмайди. Бунақа нарсаларни дадаси биледи холос. «Ие! - деди Фахриддин оғзини ва кўзларини катта очиб, - боланинг ҳам боши бўлмайдими? Дадамдан сўрай-чи...»

Бу ерда муаллиф бир ўқ билан икки қуённи урган: ҳам боланинг боши йўқ (анатомик ҳодиса), ҳам Фахриддиннинг ўзи бошсиз одам (бадий-ғоявий ният). Кўринадики, бирон ўринда ёзувчи қаҳрамонига очиқ муносабат билдирмайди. Аммо сўзларнинг танланиши, деталларнинг ўринли ишлатилиши Фахриддин характериши бўрттириб юборган. Ҳикоянинг биринчи наشري беморга қараётган хотиннинг (бу сўз 1957 йилги нусхада «сестра», 1967 йилгисида «ҳамшира» деб тузатишган) «касални тинчсизлантирасиз» (аслида бу ибора ҳам ўзбекча эмас) деб Фахриддинни чиқариб юбориши билан тугаши ўқувчини қониқтирмасди. Шунга назарда тутган адиб кейинги вариантда қуйидагича тузатди:

«Унинг гапларига қулоқ солиб, рафторини кузатиб турган ҳамшира:

- Касални толиқтириб қўясиз (мана буниси энди чинакам ўзбекнинг гапи - Й.С.) - деди ва эшикни кўрсатди.

Меҳри касалхонадан чиққандан кейин Нисобуви иккала қизи билан бош олиб чиқиб кетди.»

Қаёққа? Нима учун? Жавобнинг ҳожати йўқ (айни пайтда «номаълум томонга» деб изоҳлашнинг ҳам - Й.С.). Зийрак китобхон сезиб турибдики, аёлларнинг бу хонадондан бош олиб чиқиб кетишлари инсон қадрини камситишга, эрксизликка қарши ўзига хос исёндир.

Ёзувчининг уста Абдурахмон, Нисобуви, Меҳри характериининг тиниқлашуви устида олиб борган кузатишлари ва тузатишлари ҳам ибратлидир. Илк нусхада уста Абдурахмон ҳали Нисобувига уйланмай туриб у билан гаплашади ва ўзига ўзи характеристика беради. Сўз орасида «Булар (қизлар демоқчи) учун алоҳида қозон қўярмидинг» деган ибора ҳам бор. Кейинги нусхада эса уста Абдурахмонга характеристикани совчи беради ва у «Булар учун алоҳида қозон осилармиди» дея чинакам ўзбеккона иборани ишлатади. Мана шу сўз халқ тили ва тушунчасига кўпроқ мос келади. Чунки қозон ўчоққа қўйилмайди, балки осилади. Қумғон бўлса, бошқа гап эди.

Маълумки, Меҳри ўтай отаси уста Абдурахмоннинг газийқи билан Фахриддинга тегишга мажбур бўлади. Бу ишга Нисобуви ҳам, Меҳри ҳам зимдан қарши, аммо очиқ норозилик билдира олмайдилар. Биринчи нусхада Меҳрининг норозилиги охиригача изчил бормайди. Ёзувчи бу ҳақда шундай ахборот беради: «Ахийри ўзлари битишди шекиллик гаплар бир жойдан чиқа бошлади. Рўйхат шуъбасида бўлса Фахриддин «Хоҳлайман» деган бўлса, Меҳри «жуда хоҳлайман» деди.» Шунингдек, Меҳри ҳомиласини йўқотиш учун онасига гўё тажрибали хотинлардек «Мени қўққисдан қаттиқ қўрқитинг» деб маслаҳат бериши ҳам эриш туйилади. Бу сўз унинг ёшига ҳам, руҳиятига ҳам мос келмайди (чунки ўзи айтиб қўйса, сўнг қўрқмайди-да!).

Нисобувининг характери ва муносабати ҳам тебраниб туради. Даставвал у Меҳрининг Фахриддинга турмушга чиқишига қатъиян норози эди, аммо кўнглини эрига очиқ айтолмайди. Кези келганда кўниқўшниларга: «Фахриддин ношуд йигит, бир қамчи бор... 22 га кирди. Ҳалигача битта тешани ўтга солиб бировнинг ярим тангасини ололмайди. Худо кўрсатмасин, отаси ўлиб қолса, ҳаммамиз оч қоламиз. Мен у қизимга муносиб эмас демайман, хотин олишга номуносиб дейман» дейди. Кейин эса айтган гапларидан тонади. Гарчи бу парча Фахриддин характерини очишга бир қадар ёрдам берса-да, ҳикоянинг умумий организида ортиқча экани сезилади. Шунинг учун адиб охириги нусхада бу таърифдан ҳам бутунлай воз кечади.

Кўринадики, бу илк ҳикоясидаёқ Абдулла Қаҳҳорнинг санъаткорлик истеъдоди янги қирралари билан намоён бўлган. У бу фазилатни янада сайқаллаштириш устида тинмай иш олиб бораверди. Биргина «Бошсиз одам» ҳикоясини таҳрир этиш жараёнининг ўзи ҳам ёзувчининг улкан санъаткорлик шоҳсупасини эгаллаши йўлидаги жиддий машаққатларидан яққол далолат бериб турибди. Гарчи қўлёзмалари тўла сақланиб қолмаган бўлса-да, ўнлаб ҳикоялари, «Сароб», «Қўшчинор чироқлари» романлари, «Тобутдан товуш» драмаси устида олиб борган таҳрирларини турли нашрлари воситасида таққослаб, А.Қаҳҳорнинг бадий асар нутқи, қаҳрамон характери, асар сюжети ва композициясини қуриш борасидаги санъаткорлик маҳоратини тадқиқ этиш галдаги вазибаларимиздандир.

«ҚОТИЛНИНГ ТУҒИЛИШИ» ДАН «САРОБ» ГА

Абдулла Қаҳҳорнинг илк тўпламларидаги «Бошсиз одам» дан ташқари кейинги китобларига киритилмаган ўн бир ҳикоясининг айримлари ўзининг мавзуси, муаммоси, яратилган қаҳрамонининг оригинал қиёфаси билан ёзувчининг келгусидаги баъзи асарлари учун «хамирту-

руш» бўлиб хизмат қилди. Синчков адиб бу ҳикояларининг кўпларида ажойиб халқ ибораларини қўллаган бўлиб, уларни чиқитга чиқармасликни ният қилди. Ёзувчининг тажрибасизлиги туфайли уларнинг айримлари ҳикояда тасвирланган характер мантиқига мос келмаса-да, бадий тасвирга жон киритадиган даражада образли эди. Шунинг учун санъаткор бундай топилмаларни ҳикоялари билан ташлаб юбормай, улардан кейинги асарларида унумли фойдаланишга ҳаракат қилди.

Бундан ташқари адиб баъзи ҳикояларига асос қилиб олган бадий ғоя «ўзига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бўш, жуда бўш чиққан»и сабабли уларни кенгроқ ёритиш мақсадида бошқа жанрларга мурожаат қилди. Чунончи А.Қаҳҳорнинг «Қотилнинг туғилиши» деб номланган илк ҳикояларидан бири ўзининг мавзуси ва илгари сурилган муҳим ғояси билангина эмас, балки образлар тизими, сюжети, бадий нутқ шакллари билан ҳам адибнинг кейинчалик яратилган «Сароб» романига асос бўлган дейиш мумкин. Ушбу асар А.Қаҳҳорнинг 80 йиллиги муносабати билан «Шарқ юлдузи» журналида (1987 йил 9-сон) қисса деб эълон қилинди. Биз ёзувчининг ўзи илк тўпламида «ҳикоя» деб атаганини ҳисобга олиб, шу атама билан таҳлил қиламиз.

Ҳикоянинг бош қаҳрамони Саттор ўзининг ҳаёт йўли ва тақдири билан романдаги Саидийга ўхшайди. Иккови ҳам адашганлар тоифасидан. Ёзувчи ҳар иккала асарида ҳам ана шу қаҳрамонларни воқеалар марказига олиб чиқади ва ҳатти-ҳаракатлари, фаолиятларини тасвирлаш орқали уларни фожиага олиб борган муҳитнинг иллатларини очиб беради. Саттор ҳам, Саидий ҳам кимнингдир воситачилигида миллатчилар гуруҳига кириб қолади ва кўпгина иккиланишлардан кейин хавфли душманга айланадилар.

Саттор аслида «оламнинг коридан хафа ҳам, аламзада ҳам эмас, фақат бахт излаб жаҳонганга бўлган йигит. У бахт (эса) Саттор қадам босган сайин уфқ сингари ундан узоқлашади.» Саидий ҳам шундай қисмат эгаси. Фақат у оламнинг коридан хафа, аламзада шахс. Бу иллат унда худбинликни туғдирган. 13-14 ёшларида ишлари юришмаган отасининг ўзини осийи сабабларини у яхши билади ва бунга янги тузумни айбдор ҳисоблайди. Саттор туғилгандан буён бетартиб ҳаёт кечирган, «умр бўйи маълум тартибда меҳнат қилмаган.» Меҳнатнинг роҳати ҳам унга бегона. Саттор «якка-ганҳо йигит», етимликда ўсган. У ота-она тарбиясини эмас, кўча тарбиясини олди. Жуда ёшлигидан гўлаҳлик қилиб юриб, енгил-елии ҳаёт кечиришга ўрганди. Бу ерда бўладиган қимор ўйинларида чўтал йиғиб, пешонаси герламай пул топишга ўрганган. Бу ердан кетгач, узоқ вақт гангиб, йўлини тополмай юрди. «Шу гангиш орасида у заводга ҳам кириб чиқди.» Аммо заводнинг тартибли, интизомли ҳаёти Сатторни қабул қилолмаганидек, бу «силлиқ, равон, гидирсиз завод ҳаёти»ни Саттор ҳам ёқтирмайди.

Раҳимжон ҳам мудом ўз бахтининг орқасидан қувади, ammo унга ҳеч қачон етолмайди. У университетга ҳам илм олиш, келажagini таъминлаш ниятида кирмаган. Раҳимжоннинг бош мақсади университетда йўқолган гавҳари - Муниҳонни топиш эди, холос. Демак, бу ният остида биринчи галда унинг шахсий манфаати ётади. Университетнинг жўшқин ҳаёти ўзбилармон, лоқайд, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиб, шуҳрат чўққисига чиқмоқчи бўлган Раҳимжонни қабул қилолмагани сингари «Университетдаги кўп ишлар (ҳам) Саидийга маъқул тушмади.»

Саттор ҳаммоллик қилиб юрганида Абдулла ҳожи юкени такяхонага олиб бориб, бу ерда Олим саркор, Исломбек, Эгамберди маҳсум, Асрор бобо сингари кимсалар билан учрашади ва уларнинг даврасига қўшилади. Булар такяхонада гўё кўкнори ичиб, наша чекиб, гийҳвандлик қилиб беозор юргандек кўринсалар ҳам аслида ниятлари бошқа: янгича яшашга, ўзлигини англашга, тараққиётга ҳалақит беришга интиладилар. Улар ўзларининг бундай мақсадларини амалга ошириш ишига Сатторни ҳам жалб қиладилар. Оқибатда Саттор уларнинг кутқуси билан хотин-қизларга ҳужум қилади; бу ҳам етмагандек, Исломбек иккови ўғрилиқ билан шуғулланиб, поезддан ўзини ташлаш оқибатида икки оёғидан ажралади ва бир умрга ногирон бўлиб қолади. Майиб бўлгач, «дўст»лари учун ортиқча «юк»жа айланади. Шундан сўнгра Саттордан қутулиш йўлларини излай бошлайдилар.

Саидий ҳам худди шундай - Муниҳон воситасида қармоққа илинади. Тўғри, Муниҳоннинг нияти Саидийни акасининг гуруҳига опкириб қўйиш эмас. Улар аслида бу уйга дарс тайёрлаш ниятида келганлар. Бироқ бунақа имкониятдан усталик билан фойдаланадиган устаси фаранг Салимхонлар учун Раҳимжон тайёр луқма эди. Буни қарангки, Сатторга ҳам, Раҳимжонга ҳам мақтов жуда ҳуш ёқади. Улар бундай ожизликлари оқибатида мақтовларнинг қулига, базмларнинг гулига айланиб, ғаразғўйларнинг чизган чизигидан чиқолмай ҳалокат сари йўл оладилар. Иккови ҳам оқим қаёққа олиб кетаётганини яхши билдилар ва ўзларини шу оқим ихтиёрига қўйиб берадилар. Бу ҳам уларнинг иродасизлиги, аниқ мақсадининг йўқлигидандир.

Кўринадики, ҳикоя композицион қурилиши, схемаси, воқсаларни баён қилиш усули, қаҳрамонлар тақдири, сюжет йўналиши билан «Сароб» романи а яқин туради. Бу асарида муаллиф бахт излаб йўлга чиққан оддий, девонафеъл йигитнинг ифлос бир муҳитга тушиб, ҳам келажакдан, ҳам соғлигидан айрилганини ва бунга сабабчи бўлган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий омилларнинг родини ёритишни ният қилган. Лекин ҳикоя учун танланган Саттор образи шу ниятларни ифодалашга ожиз, унинг ижтимоий келиб чиқиши ҳам, ҳаётда эгаллаган

мавқеи ҳам А.Қаҳҳорнинг бадиий ниятига торлик қилиб қолган, шеклли. Назаримда, ёзувчи ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар рўй бераётган пайтда замондошларининг ўзлигини анлаш жараёни ғоят оғир кечаётганини акс эттиришни, ора йўлда қолиб чоҳга қулаётган кишиларнинг қисматини ифодалашни кўзлаган. Эслайсизми, «Сароб» романининг бошланишида Саидий Мунисонни кузатиб кўяди. «Автобус кўздан йўқолгунча Саидий ҳайкалдай қотиб қараб қолди. Автобус кўздан йўқолгандан сўнг дўшисини кўтариб, қичишмаса ҳам бошининг орқасини қашлади.» Фақат иккиланувчи, аниқ мақсади бўлмаган одамгина «энди нима қилсам экан-а?» дегандек, «қичишмаса ҳам бошининг орқасини қашлайди.» Ёзувчи ана шу ғоявий ниятини ишонarli ифодалаш учун бош қаҳрамонни зиёлилар тоифасидан, ўсиб кетаётган ёш авлод орасидан танлади. Бинобарин, А.Қаҳҳор ўз замондошлари орасида ҳали дурусроқ палак отмай жувонмарг бўлиб кетаётган ниҳолларни кўп кўраётган эди.

Синчиклаб эътибор берилса, А. Қаҳҳорнинг ҳар икки асарида ҳам йигитларга ачиниш ҳисси сезилади. Ёзувчи ҳикояда ошкора равишда Сатторнинг бошқалардек нобакор, муттаҳам, бировнинг ҳаққига хиёнат қиладиган йигит эмаслигига, ўз кучи ҳисобига одмигина ҳаёт кечиришга уриниб юришига, фақат бошқалар унинг устидан хўжайинлик қилишига унай олмаслигига ишора қиладди. «Бу одам (яъни Саттор - Й.С.) бир неча закон ҳаммоллик қилиб ўғриши ҳам кўрди, бағгини ҳам кўрди, яна кўп одамларни ҳам кўрди. Унинг шу вақтдаги улфатлари ўзларининг қандай қилиб одам ўлдирганлари, кечаси якка қолган хотинларга қандай тегишганлари, юк кўтарганда пайт пойлаб ўлжа туширганлари ҳақида сўзлашар, у эса уларнинг ҳаммасига ҳайрон қолар эди. Чунки у ўзининг тартибсиз ҳаётида қандай жафо чекса, истиқболда яна қанча оғирликларни кўрса ҳам таргибли ҳаётга кўникишни ўзига оғир билгандай бошқа бировни қақшатишга ҳам рози бўла олмас, ўғирликни (эса) одам ўлдирешининг ибтидоси деб билар эди.» Саттор юк кўтартирган одамлар билан кира ҳақини талашиб-тортишиб ўтирмайди, қанча берсалар ҳам индамай кетавсеради. Илтифот кўрсатмаган бундай одамларнинг «хасислигидан койийди ва баъзан бошқа ҳаммоллардай ошкора бўлмаса ҳам ичида сўкади». Хуллас, таъмагирлик унинг табиатига ёт. Масалан, бир гал вокзалда ўз кучини тақдим этган қизнинг юки кўлида қолиб, қиз «фалокат рўй берган платформанинг кетига» чопиб кетади. «Йигит чамадонни кўтариб қизнинг орқасидан кетди.» Агар у ҳам шериклари сингари мижозларининг ўлжасини чув туширишни истаса, кўлига тушган кагтагина юкни олқочиб кетавериши мумкин эди-ку! Йўқ. йигит юкни эгасига олиб бориб берди ва ўзини енгил ҳис этди. Бироқ у тушган такяхона муҳити Сатторнинг характеридаги озгина одабийликни ҳам йўққа чиқарди.

У такяхонага «новча, қотма, букчайган, қирқ беш ёшлардаги бир одам» Абдулла ҳожининг юкини кўтариб келади. Бу ерда ўзи «зоҳиран бадбуруш, напид, ҳаммомнинг лунгисидай жирканч кўринса ҳам кўп дилкаш чол» бўлган такянинг эгаси «ринд табиатли» Асрор бобо, «кўса соқолига умр кузнинг қирови тушган, ранги захил, шалпанг кулоқ, ингичка бўйниги, қотма ва ўрта бўйли» Қундузхон, Яккабоғнинг имоми Эгамберди махсум, «ҳамма вақт ўзини зўрлаб бўлса ҳам кулиб туради»ган Олим саркор, «собик полицмейстер Исломбек»лар билан танишади. Булар орасида айниқса, Олим саркорнинг мақтови «Сатторга кўп ёқар ва қачон бўлса ҳам у мақтаганча» йигит бўлишга тиришарди. Зеро, улар қўшилган муҳит Сатторнинг ҳам, Саидийнинг ҳам истак-хоҳишига, табиий хусусиятларига мос келади. Шунинг учун Саттор такяга қадам босган биринчи кунданок бу ерга қаттиқ боғланиб қолади. Дастлаб келганида «бурчакдаги бир парча пўстак устида бурканиб» ётган бўлса-да, бу ерда олган роҳатидан «борадиган еридаги роҳати» ортиқ эмасди. Шунинг учун Саттор бу ерга тез-тез келадиган, дастлаб икки-уч кун, кейин эса бутунлай қоладиган бўлди.

Муҳитнинг инсон табиатига фаол таъсирини ёзувчи А.Қаҳҳор «Сароб» романида янада аниқроқ кўрсата олди. Саидий ҳам Муниҳоннинг таклифига биноан биринчи марта келганида акаси Салимхон уни бошқача бир иззат-икром, тавозе билан қарши олади. Ҳатто кўпдан бери Раҳимжонни кўришни орзу қилиб юрганини, бугун шу ниятига етганидан жуда хурсандлигини айтади ва ўзи билан тенг кўриб муомала қилади. Шу пайтгача бунақа муносабатни кўрмаган Раҳимжон ўзини бошқача ҳис қила бошлайди. Натижада орадаги бегонасираш чизиғи хира торта-торта охири йўқолади. Саидий энди ўзини эркинроқ ҳис қила бошлайди. Кейинги сафар келадиган кунлари «Салимхон иложи бори-ча уйда бўлишга тиришар ва Саидийнинг жума кунлари келишини кўп писанда қиларди». Бора-бора унинг Раҳимжонга меҳрибонлик кўрсатишларининг асл сабаби аён бўла бошлайди. Салимхон йигитнинг ожиз томонларини яхши англай ач, «ўргимчакнинг тўридай кучсизгина бир ип» билан боғлаб олади. Бу ип кейинроқ йўғон сим арқонга айланади. Саидий «ўз доирасидаги кишиларнинг ҳаммасини ақлли, мия механизми бут ҳисоблар, буларни «тушунадиган одамлар» деб атар» ва тобора қаттиқроқ боғланарди. Шуниси борки, Саидий қўшилган бу «оқим ўзини қаёққа олиб кетаётганини» яхши биларди. Аммо энди унинг ўзанидан қутула олмаслигига ақли етар ва ихтиёрини шу оқимга бутунлай топширган эди.

Саидий икки ўт орасида қолган бир пайтда Салимхонлар гуруҳи ўзининг сиртдан осойишталиги, ташқи тазйиқлардан холилиги билан Саидийнинг характер хусусиятларига мос келади ва Раҳимжон табиий

равишда шу томонга интилади. Бу ерда у ўзини бемалол, эркин тутади, ҳамма уни мақтайди, иззатини жойига қўяди, кимсан фалончилар билан қадаҳ уриштиради. Аббосхондек кагга танқидчи унга кўз қисади, ишонади. Роман иккинчи қисмининг 5-боби тўласича муҳитнинг қилган ишини кўрсатишга бағишланган. Муҳит иродасиз, худбин, мақтовни ёқтирадиган Раҳимжонни ўзининг қолишига мослаб тамоман қайта ясади. Бу муҳитнинг «Саидийни бузиб қайта ясашига унинг шахсий ҳаёти кўмак берди.» Саидийнинг фожиаси шунда эдики, у «ўз доирасидаги одамларни халқ вакиллари» деб ўйлар ва келажакка ҳануз умид билан қарарди. Натижада унинг ички ҳаёти билан ташқи ҳаёт ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлди ва у тобора ўсиб бориб, уни ҳалокат чоҳига яқинлаштирди. Ташқи ҳаёт билан ички кечинмаларнинг номутаносиблиги Саидийни ҳаддан зиёд толиқтирди ва у одамови бўлиб қолди.

Саидий тушган муҳит ҳам унинг мақсад ва маслағига, характер хусусиятларига мос келади ва ниятларини амалга оширишга кўмаклашадиган яқин одамларни шу ердан топгандек бўлади. Бироқ муаллиф бу асарда Саидийга муносабатини очиқ билдирмайди. Буни ўқувчи эътиборига ҳавола қилади. Унинг қандайлиги ва кимлигини кўпроқ факт ва деталлар ёрдамида олади. Шунингдек, А.Қаҳҳор романда ҳикоядаги сингари гуруҳдагиларнинг асл мақсадларини ҳам дарров ошкора билдириб қўймайди. Китобхон воқеалар оқимида уларнинг кирдикорларидан огоҳ бўлиб бораверади. Аста-секин роман марказига олиб чиқилган салбий қаҳрамонларнинг барчаси фош этилади ва жазога гирифтор бўлади. Бу айниқса асар сўнгида, Саидийнинг ҳалокатида аниқ кўринади.

«Қотилнинг туғилиши»да ёзувчи ажойиб халқ ибораларини маҳорат билан ўрнида ишлатган эди. Ҳар бир сўзнинг қадрига етган, маъносига чуқур тушунган ва унинг характер мантиқига мос келадиган салмоғини жуда яхши билган А.Қаҳҳор бу ибораларни ихчамлаштирган, такомиллаштирган, маъновий юкини янада оширган ва стилистик вазифасини кенгайтирган ҳолда «Сароб» романида қўллади. Маълумки, бу роман ёзилган пайтида Абдулла Қаҳҳор ёзувчи сифатида шаклланган, ҳикоячиликда катта тажриба тўплаб олган эди. Шунинг учун адиб халқ ибораларини романга киритишда улар нисбат берилган адабий тилнинг табиий бирлашуви ва таъсирли чиқишини таъминлашга алоҳида эътибор берди. «Қотилнинг туғилиши» ҳикоясида «такянинг эгаси Асрор бобо қайнатасига чаққонлигини манзур қилишга тиринган келиндай абжирлик билан чорчўнга ўт ёқди» (таъкид бизники - Й.С.) деган ибора ишлатилган. Бу ерда ёзувчининг характер мантиқига тўғри келмайдиган ўринсиз ўхшатиш топгани сезилиб турибди. Асрор

бобонинг ҳаракати қайнатасига ёқишга тиришган келинга ўхшатилиши ва айниқса, унинг ўчоққа эмас, чорчўпга ўт ёқиши қандайдир эриш туюлади. Бинобарин, чорчўпнинг ўчоқ эмас, дастурхон ёзиладиган хонтахта эканини ёзувчининг ўзи ҳам тан олгандек, бироздан сўнг шундай тасвирлайди: «Асрор бобо шарақлаб қайнаб турган қумғоннинг бўғзидан оташкурак билан ушлаб чойнакка қўйди ва ёзилган дастурхон устига майиз, нон қўйиб, ўзи ҳам чорчўпнинг бир ёғига ўтирди».

Романда эса бу ибора Муниسخонга нисбатан жуда ўринли ишлатилган: «Муниسخон эрга ёқишда кундоши билан рақобат қилган келинчақдай абжирлик билан Саидийнинг қўлидан палтосини олиб, қозиққа илди ва ўшандай ширинсўзлик билан ичкарига таклиф қилди.» Аслида Абдулла Қаҳҳорга хос бўлган сўзга хасислик фазилати нуқтаи назаридан ёндашсак, жумладаги ўхшатиш билан ибораларни чиқариб ташлаб, қисқагина қилиб «Муниسخон Саидийнинг қўлидан палтосини олиб, қозиққа илди» тарзида ёзиш ҳам мумкин эди. Аммо бунда «эрга ёқишда кундоши билан рақобат қилган келинчақдай абжирлик» кўрсатаётган Муниسخоннинг айни чоғдаги ҳолати, ички дунёси қуруқ чиққан бўларди. Шу билан бирга бу ўхшатилаётган объект замирида катта бир ҳаракат ҳам яширинган. Ўқувчи бу сатрларни ўқир экан, Муниسخоннинг Саидийни интизорлик билан кутиб ўтирганини, келганидан ўзини қўярга жой тополмай қолганини, аёлларга хос эпчил ҳаракатни, тинмасдан ширин сўзлик билан қилган мулозаматини кўради, сезади, эштади. Бу бадий тасвирнинг нақадар аниқ сўзлар ва қуюқ бўёқларда чизилганини исботлайди.

Абдулла Қаҳҳор бадий тасвирда қаҳрамонларнинг нуқтаи назарига, уларни ўраб олган муҳитдан, табиатдан, ўзгалар ҳаётидан олаётган таассуротлар мажмуига ҳам мурожаат қилади. Бу таассуротларни қаҳрамонлар онгида рўй бераётган ўзгаришларнинг нишонаси сифатида тасвирлайди. Шу билан бирга бу таассуротлар тасвирида қаҳрамонларни ўраб турган ўша муҳитнинг қисқа ва нозик эмоционал характеристикасини ҳам чизади. Мана бу тасвирга эътибор берайлик:

«У (Саидий) хатни икки-уч қайта ўқигандан сўнг ўзини андак босиб олиб, атрофига қаради. Назарида бутун ашёлар туси ўзгарган, кулиб тургандек кўринар эди». Атрофнинг, ашёларнинг жонлантирилиши Саидий ҳолатини чуқурроқ очишга ёрдам беради. Бунинг натижаси ўлароқ, у «олам яхши. Ҳаёт гўзал» деган умидбахш хулосага келади. Ваҳоланки, Раҳимжон шу пайтгача на университетга ўқишга кириб олганида, на Салимхонлар даврасида, на Муниسخон билан ўтказган тотли дамларида бундай некбин кайфиятга чулғанмаган эди. Ёки Муниسخоннинг Мухторхонга унаштирилган пайтдаги дастлабки ҳолатини эсланг. Аслида «нимжон, мижғов, хотинчалиш бу одам билан бир

ёстиққа бош қўйиш эҳтимоли Мунисхонни» ваҳимага солади. Лекин онаси билан қилган суҳбатдан сўнг «Мухторхоннинг бойлигини эшитиб, хаёл сурди. Мухторхон бориб-бориб тўлишади, чинакам йигитга ўхшаб қолади; қаср солади; қасрнинг орқасида кичкина боғча - истироҳат ва хаёл суриш ўрни бўлади. Боғчанинг ўртасидаги мрамар ҳовузда олтин балиқлар юзиб юради. Шабада эганда дарахлардан мушиқа товуши чиқади...» Бу таассуротлар мажмуининг натижаси ўлароқ Мунисхон «Мухторхон озгина семирса ўртача одам бўлар» деган хулосага келади ва тақдирга тан беради.

Ҳикоядаги Саттор юлғунзорда кетаётиб, бир чиройли аёлни учратиб қолади. Олим саркорнинг колхозга кирган ҳамма аёллар бузуқ деган сўзларига чипша-чин ишонган Саттор унга йиртқичларча ҳужум қилади. Лекин аёл кучининг борича уриниб, у билан олишади ва охири «ўнг келтириб туриб тарсаки билан қулогининг остига шундай туширдик, Сатторнинг қулоғига жаранлаган товушлар эшитилиб, **кўзига юлдузлар кўринди**». Калтак еган Сатторнинг қулоғига жаранлаган товушлар эшитилиши мумкин, бироқ кўзига юлдузлар кўрингани бироз сунъий чиққан. Сабаби у чалқанчасига йиқилгани йўқ. Шунинг учун ҳам ёзувчи романда объект билан субъектнинг бир-бирига мослигини сақлашга ҳаракат қилган. Боғда дарс тайёрлаб ўтирганларида Саидий ўзининг келажакда олгиндан қаср қуриш, унинг пештоқига яримта ой расми туширилган кўк байроқ илиб қўйиш, баланд шийпонни безатиб, ундаги тахтга ўзининг севгилиси маликани ўтқизиб қўйишни орзу қилишини айтиб, Мунисхондан розилик сўрайди. Мунисхон эса бепарволик билан «Мен сенга тегмайман-да!» дейди. Шунда «Саидий баланд ердан боши билан тушгандай кўзига юлдузлар кўринди, аммо сирни бой бермасдан, Мунисхоннинг юзига қараб илжайди.» Ўқувчи бу сатрларни ўқир экан, Саидийнинг оғир аҳволда қолганига, унинг баланд ердан боши билан тушгандай «кўзига юлдузлар кўринганига» ишонади.

Саттор қўшилган гуруҳ вакиллари ҳам, Саидий тўдаси ҳам кўкнори, наша ва ичкилик билан ўзларини овутадилар. Шу қадар кўп ичишадикки, эртасига томоқларидан ҳеч нарса ўтмайди. Бунга ёзувчи қуйидагича тасвирлайди: «Саттор Асрор бободан чой сўради. Аммо ича олмади, унча ҳам иссиқ бўлмаган чойни ҳўшлаганда у бир қултум оддий сув оғзидан ўтиб то ошқозонига тушгунча куйдириб борар эди.» «Сароб»даги Мирза Муҳиддин ҳам шу аҳволга тушади. Лекин ҳикоядаги тасвир романга ниҳоятда ихчамлашиб ўтади. «Мирза Муҳиддин бир пиёла илиқ чойни шимирди. Совуқ чой ҳам унинг оғзидан то меъдасигача куйдириб кетди.» Юқоридаги мисолда 27 та сўз ишлатилган бўлса, кейинги парчада ёзувчи 11 та сўзни кам ишлатган. Аммо тасвирда аниқлик ва ҳаётийлик ортган.

Энди ҳикоядаги мана бу сатрларга диққат қилинг: Саттор ўз гуруҳига ёмон кўрина бошлагандан кейин «ҳар бир қилиғи, ҳар бир ҳаракати унинг (Абдулла ҳожининг - Й.С.) кўксига эриган қўрғошин бўлиб томар эди. Ҳожининг назарида у наша чилимни ҳам бошқа одамлардай қулдиратмайди. Унинг чойнакдан пиёлага чой қуйиши ҳам одамлардай силлиқ эмас, қаттиқ «қулт» эткизиб ютадир.» Ёки: «Ҳожининг назарида Саттор илгари кечаси тинч ухлар эди. Энди хуррак тортадир, кўп қимирлайди. Кейин аллақандай нафас оладир.» Кўрамизки, бу парчаларда бирмунча ғализликка, сўзларнинг ортиқча ишлатилишига йўл қўйилган. Масалан, халқ тилида «унинг ҳаракати, қилиғи, сўзи кўнглимга қўрғошиндай томар эди» дейилмайди, балки «қўрғошиндек оғир ботди» тарзида қўлланилади. Шунини эътиборга олган ёзувчи романда бу иборани қуйидагича ишлатади: «Булбули гўё тез-тез чой ҳўплар, қилт-қилт ютар ва «қилт» этган товуш Саидийнинг юрагига эриган чўян бўлиб томар эди.» Тагин: «Сўнги кунларда «булбули гўё»нинг кўзига Саидийнинг нафас олишидан тортиб то чой ҳўплашигача ғалати кўрина бошлади.» Бу тасвирлардаги сўзлар структураси жиҳатидан ҳам, танланиши ва аниқлиги билан ҳам халқ тилининг энг яхши намунаси бўлиб қолди.

«Қилт» этган товушнинг юракка эриган чўяндай томиши, совуқ чойнинг меъдагача куйдириб бориши тасвирнинг реал ва табиийлигидан ташқари халқ тилининг қудратини ҳам намойиш қилган. Халқ орасида «меъда» сўзи «ошқозон»га ва «юрак» сўзи «кўкси»га нисбатан кўп қўлланилади. А. Қаҳҳор ҳикоядаги «унча ҳам иссиқ бўлмаган чой» сўзини «совуқ чой» билан алмаштирди, «ҳўплаганда у бир қултум оддий сув (?) оғзидан ўтиб» сўзларини олиб ташлаб, «оғзидан то меъдасигача куйдириб кетди» тарзида табиий иборани ишлатди. Сатторнинг Абдулла ҳожи нуқтаи назари билан тасвирланаётган ҳолати ҳам романда «булбули гўё»нинг нуқтаи назари орқали ифодаланаётган Саидий ҳолатига нисбатан анча бўш ва чўзиқ чиққанини сезиш қийин эмас. Бу автор нутқининг роман ёзилаётган пайтда халқ тилига хийла яқинланганидан, том маънодаги реалистик наср талабларига жавоб бера оладиган даражага кўтарилганидан далолат беради.

Устоз О.Шарафиддинов «Абдулла Қаҳҳор» номли асариди «Сароб» романининг талай фазилатларини санаб ўтар экан, унда «психологик характеристикаларнинг мукамал» чиққанига алоҳида эътиборни тортади. Чиндан ҳам адибнинг биз фикр юритаётган «Қотилнинг туғилиши» ҳикоясидаги персонажларнинг ички дунёсини тадқиқ этиши билан роман қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини очиш усуллари орасида ғоят катта сифат ўзгаришлари рўй берган. Абдулла Қаҳҳор романда персонажларнинг руҳий ҳолатини ҳикоядагига нисбатан кенгроқ ва

ишонarliроқ очиш усулларини қўллади. Агар «Қотилниш туғдилиши»-да Саттор ва атрофидаги кишиларнинг ички дунёси ҳақида кўпроқ ахборот берилса, «Сароб» романида адиб қаҳрамонлар қалбига чуқурроқ кириб боради. Масалан, таъхонага ҳар келганида Олим саркор «Сатторни мушук боладай бағрига босиб эркалар», уни кўкларга кўтариб мақтарди. Ёшлигидан на ота-она, на бошқаларнинг меҳрини кўрмай, ширин сўз эшитмай ўсган йигитга бундай муомала ва мақташлар юз беради, ўзини ҳаммадан кучли, маккор, ўтакетган хотинбоз қилиб кўрсатиш истаги туғилади. Сатторнинг бу пайтдаги мураккаб ички туғёнларини ёзувчи оддийгина қилиб, Саттор «ўзини ҳеч нарсадан, ҳеч кимдан кўрқмайдиган, каллакесар, учар, ҳийлакор, ўз умрида кўп хотин-қизларни булгаган қилиб» кўрсатишга уринарди деб ахборот беради холос.

Романда эса А.Қаҳҳор бутунлай бошқача йўлдан боради. Маълумки, Саидий ҳам худди Саттор сингари Салимхонлар даврасида ўзини бемалол сезади, мени тушунадиганлар фақат шу ерда деб билади. Даврадагиларнинг ҳар бир сўзи, ҳар қандай имо-ишораси Раҳимжоннинг назаридан четда қолмайди, ундан ўзига нимадир олади. Бундай пайтда йигит руҳиятида шиддатли тўлқинлар пайдо бўлади. Ёзувчи қаҳрамонлар психологиясини ҳатти-ҳаракатлари, жести ва мимикаси ҳамда қилиқларини тасвирлаш орқали очишга кўпроқ эътибор беради. Шу билан бирга уларнинг фикр ва кечинмалари оқимини ҳам батафсил ёритишга эришди. Қаҳрамон руҳиятини таҳлил этишда бундай ёндашув ҳам воқеада иштирок этувчи персонажларнинг, ҳам уни кузатиб баён қилувчи муаллифнинг ўзаро ҳамкорлигини вужудга келтиради. Бу усулда асарда иштирок этувчи шахсларнинг руҳий кечинмалари фақат ҳикоячи-автор томонидангина очиб қолинмайди. Балки қаҳрамонларнинг ўзлари ҳаётни идрок этишлари жараёнида ҳиссиётларини таҳлил сари йўналтирадилар. Бундай пайтда тасвирланаётган инсоннинг ички дунёси билан реал воқелик ўртасида мавжуд бўлган ранг-баранг ва мураккаб алоқалар қаҳрамон кечинмаларининг ҳаёт ҳодисаларига муносабати шаклида ҳам содир бўлади. Бу айниқса, Саидийнинг биринчи ҳикояси журналда чиққандаги ҳолатида аниқ кўринади:

«Бир куни дарсдан қайтишида йўл устида учраган биринчи будка унинг бир ҳафталик ҳордиғини чиқарди. Бу будкада ўша журналдан бир даста ётар эди. Саидий бирданга икки нусха олди ва дарҳол мундарижасини қараб, ўз исмини ўртада кўрди. У маст кишидай тентирар ва назарида, ер оёғи остида кигиз сингари юмшаргандай эди. Шунча узоқ йўлдан ҳужрасига қандай ва қайси кўчадан келганлигини, эшикни қандай очиб стол ёнига борганини, қўлидаги китобларни нима қилганини

билмас эди. Ҳикояни ҳаял ўтмай ўқиб чиқди. Кенжа орттирган боб ҳикоя қўлёзма эканида билиниб тургандек эди, ҳозир тамом ёпишиб кетибди.

Яна ўқиди. Шундан сўнг назарида, «Қаландар» банд қилган саҳифалар эскирган, кўп ўқилган китоб сингари кирлангандай бўлди. Журналнинг иккинчи нусхасини қирқди. Дам ўтмай бу ҳам, назарида шундай кўринди. Чиқиб будкадан яна бир нусха олиб кирди-да, қирқмасдан столнинг тортмасига солиб қўйди. Столнинг тортмасида туриб ҳам унинг шу саҳифалари эскираётгандек бўлар эди.» Бу чиндан ҳам қаҳрамон туйғуларининг такрорланмас лирик ҳаяжони ва гўзаллиги билан берилган таърифдир. Биринчи ҳикояси босилган ва бутун борлиги билан ёзувчилик шухратига интилаётган Саидийгина мана шундай ҳолга тушиши ҳамда ҳаракат қила олиши мумкин ҳолос. Абдулла Қаҳҳор ўз ижодида психологик тасвирнинг динамик принциpidан ҳам, аналитик таҳлилидан ҳам унумли фойдаланди. Бундай усулда санъаткор бир пайтнинг ўзида бир неча персонажнинг руҳий кечинмаларини босқичма-босқич тасвирлай олиш имкониятига эга бўлади. Масалан, Аббосхон ва Салимхонлар гуруҳи фош бўла бошлаганда иштирокчиларнинг барчаси кўрқиб, питирлаб қолишади. Ёқубжон Мирза Муҳиддин билан Аббосхоннинг қамалганини айтганида «Домла «Жон ука!» деб Ёқубжоннинг қўлидан ушлади. Салимхоннинг ранги оппоқ бўлиб кетди-да, деворга суянганича тек қолди.» Кўринадики, бу ерда уч кишининг руҳий ҳолати бир йўла очилаяпти. Ўзидан ҳам совуқроқ бўлган хабар етказган Ёқубжоннинг аҳволи ҳар қандай изоҳларсиз ҳам тушунарли. Домла эса титраб-қақшаб, оёғининг мадори қолмай Ёқубжонга суяниб қолган бўлса, Салимхоннинг гапиришга ҳам мажоли қолмайди. Бундай реал психологик тасвир ўқувчи кўз ўнгида персонажнинг сура-ти-ю сийратини аниқ намоён қилади.

Динамик усулнинг ўзига хос томонларини қаҳрамонлар руҳиясини диалоглар орқали очишда ҳам кўриш мумкин. Диалоглар орасида келган автор изоҳлари (ремаркаси) ролини А.Қаҳҳор янада юксакликка кўтарди. Бу изоҳлар персонажлар ҳолатини шунчаки ифодалаб қолмайди, балки қаҳрамоннинг психологик ҳолатини аниқ очиш учун босқич вазифасини бажаради. Масалан, ёзувчи Мунисхоннинг Саидий билан бўлган сўхбатида эри Мухторхонга нисбатан муносабатини аниқроқ очиш учун мана шундай босқичли усулни қўллайди:

«Кўчага чиқилганда Саидий унинг тирсагидан ушлади:

-Мунис...

Мунисхон зинадан тушиб тўхтади.

- Мухторхон келдими?

Мунисхон бурнини жийирди (биринчи босқич). У ҳеч қачон Саидий олдида Мухторхонга нисбатан бундай муносабатда бўлмаган эди.

Саидий унинг Мухторхонга кўнгилсизлигини биларди, аммо сира ўз оғзидан эшитмагани учун доғда эди.

- Ҳа, нега бунақа қиласан?

- Нима қилдим? - деди Муниҳсон.

- Норозироқ кўринасан...

- Ҳеч-да, - деди Муниҳсон Саидийнинг кўзига қараб ва *бироз қизарди* (иккинчи босқич).

- Йўқ, мен буни ҳозирги кайфиятингга қараб айтаётганим йўқ, умуман шундай деб эшитаман.

- Ҳеч! Ҳеч! Ҳеч! Эрим яхши!

Муниҳсон астойдил қизарди (учинчи босқич).»

Муродхўжа домла билан Саидийнинг пул тўплаш масаласидаги суҳбатларида ҳам домланинг мол-дунёга ўчилиги мана шундай психологик босқичлар ёрдамида очилади. Саидий поччаси Муҳаммадражабга фойда олиш шарти билан пул беришни таклиф қилганида «Домла севиниб кетди» (биринчи босқич). Бир неча жойда ишлаб мўмайгина пул топиш мумкинлигини айтганида «Домла қувончидан энтикди» (иккинчи босқич). Муродхўжадаги молпарастлик билан Саидийдаги шуҳратпарастлик бир-бирига мос келади. Шунинг учун ёзувчи учинчи босқичда фақат Саидийнинг ҳолатини кўрсатиш билан ҳар иккаласининг ички кечинмасини бир йўналишга солади: «Саидийнинг юраги ҳовлиқиб кетди». Демак, Саидий шу ҳолга гушганда «жонми, ҳамёнми?» деганда «ҳамён» дегувчи домланинг юраги ёрилиб кетгудек бўлиши аниқ.

Таниқли адабиётшунос У.Норматов ўзининг «Қаҳҳорни англаш машаққати» номли рисоласида «Сароб» романининг бош ғоявий мундарижасини адабий танқидчилик шу пайтгача қатъий илгари суриб келганидек, буржуа миллатчилигини фош этиш эмас, балки «биринчи галда хазон бўлган муҳаббат, увол бўлган умр достони» тарихи эканини алоҳида таъкидлайди. Чиндан ҳам шундай. Синчиклаб қаралса, романининг асосий сюжет чизигини миллатчи гуруҳларнинг амалий фаолиятини тасвирлаш эмас, Муниҳсон билан Саидийнинг рўёбга чиқмаган ишқий муносабатлари линияси ташкил этишини сезиш қийин эмас. Раҳимжон ақлини таниб нимаики қилган, нимагаки интилган бўлса, барчаси охир оқибатда Муниҳсонга бориб боғланади. Университетга қабул қилинмаган Саидий бу ерга «йўқолган гавҳари Муниҳсонни топиш» ниятида кирди. Эслайсизми, Эҳсон, Шариф, Шафрин, Кенжа сингари дўстларининг ўқишни тиклаш учун тегишли жойларга учраш ёки Москвага ўқишга бориш тўғрисидаги таклифларига Раҳимжон парво ҳам қилмаган эди. Иши юришмай, университетдан тушкун бир кайфиятда чиқиб кетаётган Саидийда қатъият ҳам Муниҳсон туфайли пайдо бўлади. Раҳимжоннинг «умидингиз узилдими?» деган саволига гарчи иши

унгмаган бўлса-да, Муниسخон «кибр билан бошини кўтариб: - Мен... Мен энг олдинги курсида утириб дарс эшитаман!» деб берган жавоби-дан кейин у ҳам «албатта ўқийман» деган қарорга келади.

Раҳимжоннинг Салимхонлар тудасига яқинлашуви ҳам, ниҳоятда хунук Сорахондан гузаллик унсурларини излай-излай унга уйланиши ҳам, пул ва бойлик топишга уриниши ҳам, ёзувчи сифатида шуҳрат чўққисига интилиши-ю ижоддан кўнгли совиши ҳам, ҳатто яшайдан чарчаб ўлим истаб қолиши ҳам, барчаси - фақат ва фақат Муниسخон туфайли эди. Бунга А.Қаҳҳорнинг ўзи ҳам романда нозиккина ишора қилиб ўтади: «Муниسخонни йиқитган бу ўқ ҳалоқатли чоғга ўмбалоқ ошиб кетаётган Саидийнинг «тутиб қолиб жон сақлайман» деган тошини кўчирди. Бу ўқ ўткир қилч бўлиб, хаёлида ўтмишга боғланган, қачон бўлса ҳам орқага тортадиган умид риштасини кесди» (173-бет). Дарвоқе, Саидий учун ўлимдан бошқа чора қолмаган эди. Унинг ўлими билан бош сюжет линияси ҳам ниҳоясига етади.

Бадий нутқнинг биринчи навбатдаги ва бевосита вазифаси ҳисобланган тасвирлаш маҳорати жиҳатидан ҳам Абдулла Қаҳҳор ҳикоядагидан кўра романда юқори поғонага кўтарилди. Очиғини айтганда, «Қотилнинг туғилиши» ҳикоясида воқеликни айтиб бериш устунлик қилади. «Сароб» романида эса нарса ва ҳодисаларни кўрсатиш, нутқни бадий тасвирлаш биринчи ўринга чиққан. Маълумки, бадий тасвир асарнинг сифатини, ёзувчининг ўзига хос услубини белгиловчи муҳим омилидир. Ёзувчининг бадий тасвирлаш санъати ошганини ҳикоя ва романдан олинган қуйидаги бир-бирига яқин иккита мисолни таҳлил қилиш орқали исботлаш мумкин.

Ҳикояда шундай тасвир бор: «Баҳор секин-секин қадам ташлаб келарди. Толларнинг новдалари сочпоқ тақадиган ёшдаги қизлардай бўртди, куртаклади. Шабада ҳам ўша қизларнинг шўхлиги, баъзан ёр-дўстлардан бемаслаҳат қилган ҳазилидай кериштирар эди...» Баъзи ортиқча ишлатилган сўзларни, ғализ ибораларни ҳисобга олмаганда жуда кўримли ва таъсирчан манзара чизилган. Агар А.Қаҳҳор ҳаёт бўлиб, ҳикояни қайта таҳрир қилганида бу парчадан «ёшдаги қизлардай» иборасини «тақадиган қизларнинг кўксидай» деб ўзгартирган бўларди. Кейинги жумладаги «шўхлиги» сўзидан сўнг «каби» юкламасини қўшган, шу ёшдаги қизлар нутқига мос келмайдиган «ёр-дўстлар» ибораси ўрнига «ўртоқлари ёки дугоналари» деган сўзларни ишлатарди. Шунга қарамай бу манзара жуда ишонарли ва таъсирчанлиги билан эътиборни тортади.

Бироқ у ҳикоянинг умумий организмга сингиб кетмаган. Бунинг устига на Сатторнинг, на таъхонадаги бошқа кишиларнинг кайфияти билан ҳам боғланмайди. Шунчаки баҳор фасли келгани тўғрисида ахбо-

рот берилади холос. Бу фикримизни яна шу билан исботлаш мумкинки, ушбу табиат тасвиридан аввал келган «Шундай қилиб Асрор бобонинг «бўш йигити» Саттор секин-секин шу тинч, одамлари касал товуққа ўхшаган такяни ўзига доимий истиқоматгоҳ қилиб олди» жумлаларидан сўнг «Саттор қисқа муддат ичида кўп кишиларни кўрди» ибораси билан бошланувчи кейинги хатбоши ўқилса ҳам ҳеч нарса ўзгармайди, оҳанг бузилмайди.

Энди романдаги мана бу манзарага эътибор берайлик: «Ҳаво очиқ. Уфқда киприк сингари турган тераклар орасидан кўтарилган қуёшнинг нурлари томлардаги қор, тарновлардан осилиб турган чумаклар ва оёқ остидаги нулларда акс этиб, кўзни қамаштирар эди. Қишлоқнинг бу куни қиш кунларига эмас, кўпроқ аввал баҳор - қўш маҳалидаги кунларга ўхшар эди. Баҳорнинг энг юмшоқ офтобшувоқ кунида қурт-қумурсқалар жон кириб ер остидан чиққандай, одамлар тўзиган. Қишлоқнинг ҳар кўчасида ҳаракат, қичқириқ. Боласининг тўнчасини ёпинган хотинлар оёқлари зағча оёғи сингари қора, юз ва қўллари кўкарган болаларини койийди ва ҳозир уйга кирмаса отаси келганда урдириш билан кўрқитади. Болалар писанд қилмасдан музлаган лой устида ирғишлаб юради. Ёш қизчалар укаларини кўтариб, худди ҳозир ват-ватлаб ўтадиган карнайни кутгандай, деворлар остига тизилган» (70-бет).

Кўриниб турибдики, бу манзара ҳикоядагига қараганда тасвир кўламнинг кенглиги, тиниқлиги, персонажларнинг айни чоғдаги руҳиятига чамбарчас боғланиб кетгани билан эътиборлидир. Ҳикояда табиат манзараси бирмунча жонсиз, қотиб қолган тарзда кўринади. Романда эса қишлоқ кўриниши жонли ва ҳаракатда берилади. Одамларнинг югур-югури, бақирғи, аёлларнинг овози, болаларнинг қий-чуви - барчаси қулоқларимиз остида жаранглаб туради. Энди бу манзара тасвирининг ўзига хослигини, Абдулла Қаҳҳор услубининг афзаллигини исботлаш учун ёзувчининг тенгқур замондошлари асарларидан олинган мисоллар билан солиштирайлик. Бу таққосда А.Қаҳҳорнинг чин прозаик санъаткор экани янада аниқроқ аён бўлади.

«Қуёш, тоза ҳаво, кенг, тиниқ, зангори осмон кўзларни беихтиёр тортади. Дала йўлининг икки томонидаги боғлар туташ гуллар билан қопланган. Ўрик, олма, шафтолиларнинг кўркам гулдасталари, тоза руҳли қувноқ табиатнинг мўл-кўл ёйган гўзаллик сепи қуёшда турли ранг ва нур билан порлайди.» Ушбу парчадаги ажойиб шоироналик, кўтаринкилик, тасвир кўламини кенг қамраб олиш, истиора, метафора ва сифатлашларни мўл-кўл қўллаш Ойбек услубига хосдир. Тасвирга бундай шоирона руҳни сингдириш унга Чўлпондан юққан. Бу тасвирдан гўё шеър ўқиётгандек ҳузурланамиз. Эҳтимол, биргина сўзга қатор-қатор бир неча сифатлашларни тиркаш бошқа ёзувчида Ойбекда қўлланганчалик самара бермас. Қаранг, биргина «осмон»га «кенг,

тиник, зангори», «табиат» сўзига «тоза, руҳли, қувноқ» каби сифатлар қўлланган бўлиб, улар бир-бирини такрорламагани сингари инкор ҳам эتماйди. Аксинча, манзарани янада тўлдиради, ишонарли ва гўзал қилади.

Тасвирида бундай шоирона кайфиятни биз табиатан прозаик бўлган Абдулла Қаҳҳор асарларида учратмаймиз. Унинг услуби учун аниқлик ва ихчамлик бош мезон ҳисобланади. Адиб иложи борица солдаликка интилади, халқона ибораларни топиб ишлатади. Кўзга кўриниб турган нарсалар ва ҳодисаларни лўнда ва айнан ўз номи билан атайди. Агар Ойбек «тоза ҳаво» деб қўлласа, А.Қаҳҳор оддийгина қилиб «ҳаво очиқ» дейди. Ойбек учун «Ўрик, олма, шафтолиларнинг кўркем гулдасталари, тоза, руҳли, қувноқ табиатнинг мўл-кўл ёйган гўзаллик сепи куёшда турли ранг ва нур билан порлайди.» А.Қаҳҳор учун эса бундай манзара шунчаки «кўзни қамаштиради» холос.

Тасвирининг бундай жонли ва кўримли чиқиши, ҳеч шубҳасиз, санъаткорнинг юсак маҳорати даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳақда А.Қаҳҳорнинг ўзи шундай ёзган эди: «Бадий маҳорат чиройли иборалар, чиройли ифодалар, антиқа воқеалар, кулгили ёки қайғули ҳолатлар топиш эмас. Халққа айтадиган зарур сўзимизни китобхоннинг қалбига олиб киралиган образлар яратиш демакдир.⁴» «Сароб» романи ёзувчининг ўзи айтган мана шу фикрларга тўла жавоб бера олади. Роман бадий тасвирининг энг яхши намунаси бўлиши билан бирга унинг имкониятларини кенгайтириш, янгича усулларни қўллаш, юқори босқичга кўтариш борасида ҳам муҳим манба бўлиб қолади.

«СИНЧАЛАК» ПАРВОЗИДАН КУТИЛГАН НИЯТ

Бундан салкам эллик йил муқаддам ўзбек адабиёти осмонига «ўзи кичкина, нимжон бўлса ҳам осмонни кўтаргулик қуввати, ғайрати бор» бўлган «Синчалак» деб номланган бир қушча парвоз қилди (1959).⁵ Бу истеъдодли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг шу номдаги машҳур қиссаси эди. Асар ўтган эллик йил мобайнида бир неча бор иссиқ-совуқ кунларни бошидан кечирди. Характерли томони шундаки, бу қисса ҳам худди «Сароб», «Кўшчинор» романлари сингари кўзини очибоқ танқид ўқиға дуч келди. Адабиётшунос О.Шарафиддиновнинг гувоҳлик беришича, асар 1959 йилнинг январ ойида босилиб чиқди-ю, ҳали

⁴ А.Қаҳҳор. Асарлар 6 томлик. 6-том. Т., Ф.Фуллом номидаги АСН, 1970. 411-бет.

⁵ А.Қаҳҳор. Асарлар. 6 томлик, 2-том. Т., ФАН, 1967 (мисоллар шу нашрдан олинди ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилди).

нами қуримай туриб ёзувчилар уюшмасида муҳокамага қўйилди.⁶ Эмишки, қиссада жуда катта сиёсий хатолар бор экан. Бироқ ўша муҳокамада ҳам, ундан кейин ҳам асарда қандай сиёсий хатолар борлигини исботлаб бера оладиган биронта мард топилмади. Аксинча, чорак аср давомида бу қисса ва унинг муаллифи фақат мақтов эшитди. Асосий қаҳрамон Саида эса совет даврида чексиз ҳуқуқларга эга бўлган ўзбек хотин-қизларининг типик вакили сифатида улуғланди, барчага ибрат қилиб кўрсатилди. Бундан ҳам муҳими, 1959 йил феврал ойида Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида адабий жамоатчиликнинг энг кўп ва ҳўб баҳосини олган асар ана шу қисса бўлди.⁷

Чиндан ҳам бу қисса XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётида янги баҳор бошланганидан дарак берди. Дарвоқе, асарнинг ўзи ҳам баҳор фаслини тасвирлашдан бошланади. Аслида ижтимоий ҳаётнинг ўзида ҳам янгича фасл бошланаётган давр эди. Сталин шахсига сифиши иллатлари фoш этилган, мамлакат ҳаётида руҳий кўтаринкилик юзага келганди. Мана шу ҳолат қисса бошланишидаёқ ўз ифодасини топгандек: Саида Тоҳиржон Носиров билан хонага киргач, деразаларни очиб юборади. Шунда «Дим кабинетга боғчадан муздай ҳаво, ҳандалакними, босволди қовунними эсга соладиган ялпиз ҳиди кирди: чумчуқларнинг чуғурлаши, дераза остида оқаётган ариқчанинг шовиллаши эшитилди» (151-152).

Дим кабинет - бу кечагина Сталин ҳукмронлиги даврида бўғилиб, димиқиб ётган мамлакат бўлиб, унда шу пайтгача чумчуқларнинг чуғурлаши, ариқларнинг шовуллашини эшитиш у ёқда турсин, одамлар қаттиқроқ нафас олгани ҳам чўчишарди. Хона (мамлакат) об-ҳавосини янгилаш «йигирма икки ёшлардаги баланд бўйли, хушқомат, жуда нозик қиз» (152) Саидалар зиммасига тушди. Бу баҳор ҳавоси, янгилаши тўлқини ўз навбатида кексаларни ҳам уйғотиб юборди. Район партия комитетининг янги котиби ўртоқ Тоҳиржон Носировнинг чанг босган «Виллис»дан тушиб, «ёши элликдан ошган бўлишига қарамай, райком биносининг зинасидан чопқиллаб чиқиб» кетишида, кейин бирдан тўхтаб ўзбекнинг азалий одатига кўра останада ўтмай туриб, «зинанинг бир чеккасига бориб, коверкот макентошининг этагини, брезент этигини» қоқиб, чанг-ғуборларни тозалашида; Қаландаровнинг колхозга «янги сотиб олинган беш тонналик юк машинаси»ни кўриб, «жуда хурсанд бўлишида, янги машина, тўғри ва равон асфальт йўл ҳавасини келтириб» тез ҳайдаб кетишида, «йўл бўйидаги тиниқ яшил

⁶ О.Шарафилдинов. Абдулла Қаҳҳор. Т., 1988. 201-бет.

⁷ Қаранг: Маҳорат мактаби. Декада материаллари стенограммаси. Т., ФАН, 1961.

дарахтлар, барра утлардан кўзи қувониб, кишининг вужудини яйратадиган май ҳавосидан маст бўлиб, хиргойи» қилишида ҳам кўринади.

Менимча, қисса бошланишидаёқ асосий қаҳрамонлар характери га хос бу етакчи хусусиятларни ёзувчи бежиз келтирмаган. Уларнинг ҳар бир ҳагги-ҳаракати, жести ва мимикаси пухта ўйлаб берилган, маълум мақсадга бўйсундирилган. Маълумки, 50-йиллар ўрталаридан бошлаб, мамлакатда демократик муҳит, бироз эркин нафас олиш вазияти вужудга келди. Эркинликни соғиниб юрган одамлар Носировга ўхшаб, янги остонага қадам босишдан олдин ўзини тозалаб, ўнглаб олди. Қаландаров сингари бироз ҳовлиқиб кетган шахслар айбини бўйнига олиб, ҳар қанча жарима тўлаб бўлса ҳам жазодан қутулиб қолишга уринди. Униси ҳам, буниси ҳам ўз ҳолига тазарруъ эди. Бироқ ўша пайтда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётни бошқараётган Коммунистик партия икковининг тавбасини икки хил қабул қилди: ўзининг одамини қўллаб-қувватлади (гарчи ёши 50 дан ошган бўлса-да), иккинчисини «қирсиллатиб-чирсиллатиб» эгиб, тавбасига таянтирди (ваҳоланки, Қаландаров Носировдан катта эмас). Чунки давр унинг даври эди, бошқарув рули унинг қўлида эди. Бу ҳақда кейинроқ. Ҳозир эса...

* * *

24 бобдан иборат бу қиссанинг макроструктураси ўз даврида яратилган бошқа кўллаб асарлардан унчалик фарқ қилмайди. Хронологик сюжет асосига қурилган бу асар воқеасини уч-тўрт оғиз гап билан айтиб бериш мумкин: райком тавсиясига кўра Саида Алиева деган ёш коммунист «Бўстон» колхози партия ташкилотининг секретарлиги лавозимига тайинланади. Қиз бу топшириқни астойдил бажариб, икки йил мобайнида колхозда сиёсий-тарбиявий ишларни амалга оширади; қайсар, ҳеч кимга бўйин эгмайдиган ўзбилармон раис Арслонбек Қаландаровни қайта тарбиялайди. Хўжалиқдаги барча ишларнинг тизгинини қўлга олади, натижада колхоз ҳар томонлама ривожланиш йўлига киради. Айниқса, одамларнинг қалбида яшириниб ётган фикрлар юзага чиқади. Шугина холос. Аслида бир очеркка жой бўладиган материал. Аммо Абдулла Қаҳҳорнинг санъаткорлик маҳорати шундаки, жиндаигина масаллиғдан ўқувчи тановул қилиб тўймайдиган мўлгина ва тўйимли таом тайёрлади.

«Синчалак» қиссаси ҳам ёзувчи услубига хос равишда воқелик туғунини ташлашдан бошланади. Район билан танишиб юрган янги райком котиби Тоҳиржон Носиров дабдурустдан ёрдамчисига «Кўчадан кетаётган автомобиль бировни босса ёки туртибми, йиқитибми озор берса, нима бўлади?» деган саволни беради. Албатта, ёш қиз бундай кутилмаган саволдан чўчиб тушади, чунки гап одам ҳаёти устида кетяп-

ти-да! Устма-уст берилган савол-жавоблардан маълум бўладики, бундай довжорак ҳайдовчи машҳур «Бўстон» колхозининг раиси Арслонбек Қаландаров экан.

Бу суҳбатдан муддао нима? Даромаддан буромад шу бўлдики, ўртоқ Носиров бу авария тўғрисида гап очиб, ёшгина қиздан маслаҳат олмоқчи эмас экан. Балки уни ана шу «сояда ўсган, хийла эрка раис раҳбарлик қилаётган» колхозга партия ташкилотининг секретари қилиб жўнатмоқчи экан. Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ: райком бюроси аллақачон шундай қарорга келган.

Хуллас, бу таклиф Саидани бир томондан ховлиқтириб, бошқа томондан бироз довдиратиб қўйган бўлса, ўқувчини ҳам шунчалик қизиқтириб қўяди. У ҳам Саида сингари Қаландаров билан тезроқ учрашгиси, Носировнинг «кабинетидан ранги бўзариб» чиққан раиснинг «мўртгина» қизчани қандай қарши олиши, нима ҳунарлар кўрсатиши ҳақида ўйлай бошлайди. Кўряпсизки, ёзувчи асар бошланишидаёқ тугун устига тугун ташлаяпти. Бу тугунларнинг қачон ва қандай тарзда ечилишига қизиқиб мутолаадан бош кўтара олмай қоламиз.

Саида Алиева билан раис Арслонбек Қаландаровнинг биронта учрашуви ҳам илиқ бўлмаган. Айниқса, шу қиз ўзи раҳбарлик қилаётган колхозга партия ташкилотининг котиби этиб тайинланганини райком секретаридан эшитиб норози бўлган ва унга «Мўртгина нарса экансиз, қийналиб қолмасмикансиз?» деб кесатган раис уни қандай кутиб оларкин? Воқеалар саҳифадан саҳифага шиддатли ривожланади, конфликт кескинлаша боради. ««Бўстон»дек катта ва машҳур колхознинг партия ташкилотига секретарь бўлиб бориш ўйи қалбининг аллақаерини тимдаласа ҳам, аллақаерига жуда-жуда хуш ёқиб» (159) турган Саида туни билан ухламай режалар тузиб чиқади ва эрталаб колхозга шитоб жўнаб кетади. Қиз бу ерга қанчалик иштиёқ, хурсандчилик, қизиқиш билан келган бўлса, «каттагина сада остидаги сўрида оёғини саланглатиб ўтирган Қаландаров» уни шунчалик беписанд кутиб олади. Ҳатто оғир чамадонини кўтариб келаётган янги парткомини кўрса ҳам «сўридан қимирламади», аксинча, «узун оёқларини қаттиқроқ саланглатди» (167). Бу норозилик ва менсимасликнинг илк нишонаси эди. Бу бекор келдинг, бу ерда сендақаларга иш йўқ, дегани эди.

Энди ўйлаб кўринг: ўз ихтиёри билан эмас, райкомнинг топшириғи билан келган Саида бундай муомаладан қандай аҳволга тушади? Бошқа одам бўлганида ўша ердан қайтиб кетган бўларди. Саида эса қайтиб кетолмайди, у ҳар қанақа хўрликларга, камситишга чидайди, топширилган вазифани бажаради. Чунки уни бу ерга партия юборган, унинг йўл-йўриғидан четга чиқмаслиги шарт. Дарвоқе, бу қиз ўзини хўрлатиб кўядиганлар хилидан эмас. Ҳар гаплари бор замбаракнинг ўқидек! Ҳали кўрасиз...

Саида колхозга келган биринчи кундан бошлабоқ ҳаммага ва ҳар бир нарсага ижирғаниб қарайди. Қаландаров уни ҳурматсизлик билан кутиб олгани, чамадонини қўлидан олмгани учун ичида муносабатини «Дийдоринг қурсин, чамадонни қўлимдан олсанг ўласанми?» деган қарғиш билан ифодалашдан бошлайди. Эшон кўзига тўнг ва сўхтаси совуқ одам бўлиб кўринади. Ўзига ажратилган ҳужрани кўриб «таъби тирриқ бўлди.» Қаландаровнинг ҳовлиси ҳам кўзига тартибсиз ва ҳафсаласиз одамнинг қўли билан қурилган бўлиб кўринади. Хуллас, Саиданинг партиявий кўзи колхоздан, одамлардан, уларнинг турмушидан фақат нуқсон қидиради ва буни ҳали амал столига ўтирмай туриб Қаландаровга писанда қила бошлайди. Натижада улар ўртасидаги зиддият борган сари кучайиб боради. Раис ҳали бирон бир штатга ишга тайинланмай туриб (колхозда партком секретари учун иш ўрни йўқ эди) ҳамма нарсага буршини суқаётган, нуқсон қидираётган қиздан ранжиб, унга қагтик-қагтик гапирди. Бироқ Саида гап эшитиб ўтирадиган анойилардан эмас. У «Бу одамга гап уқдириб ўтиришнинг фойдаси йўқ!» деган қарорга келади ва кўп масалаларни ўзича ҳал қила бошлайди. Чунки Носиров унга орқасида «Совет ҳукумати, бутун бир система» турганини айтиб, ишда қўрқмасликни тайинлаган. Бундай ўзбошимчилик колхозда маълум тартиб ва интизом ўрнатган Қаландаровга ёқмайди. Аммо унга қарши кескин чора ҳам кўролмади.

Абдулла Қаҳҳор ўз қаҳрамони Қаландаровни алоҳида меҳр билан тасвирлайди. У юзсиз, бетгачонар, одамларни менсимайдиган каттазанг, бефаҳм одам эмас. Қаландаров аслида кўпни кўрган, бошидан анчагина иссиқ-совуқ ишлар ўтган, жуда андишали одам. Бу фазилати Саидани илк кутиб олишидаёқ кўринади. Дастлаб қанчалик беписандлик қилмасин, Арслонбек Саиданинг аёл зотидан эканлигини, бу ерга райкомнинг тошшириғи билан келганлигини, энг муҳими, унинг бугун меҳмонлигини эсдан чиқармайди ва хизматкорига «Эшон, ҳой!» деб овоз беради. Бу қаҳриқнинг замирида «меҳмон иззатга лойиқ, уни уйга олиб бор» деган маъно ётади. У том маънода миллий характер. Саидага нисбатан беписандлигининг характер мантиқи билан боғлиқ туб асослари бор. Ўзингиз ўйлаб кўринг: колхозни энг оғир йилларда елкасида опичлаб катта қилган, унинг дарди қаерда, қитиғи қаердалигини яхши биладиган обрўли раисга муштдеккина қизчани «шу сенга раҳбарлик қилади, айтганини гинг демай бажарасан!» деб юборса, чапак чалиб, карнай-сурнай билан кутиб олсинми? Тушовга ўрганмаган от ҳам тихирлик қилади-ку!

Абдулла Қаҳҳор қаҳрамони Арслонбекнинг оилада ўзини туттишига ҳам алоҳида эътибор беради. У нечоғлик машҳур, обрўли раис бўлмасин, оилада суюкли эр, меҳрибон ота, талбиркор ва бир сўзли рўзғор бошлиғи сифатида намоён бўлади. Қаландаров бошқалардан ортиқ

яшамайди. Нонуштани ҳам, тушликни ҳам (агар узоқроқ далага бориб қолмаса), кечки овқатни ҳам уйида оила аъзолари билан қилишга одатланган. Хотини, Эшон, Кифоятхонлар даврасида эмин-эркин, ҳазиллашиб ўтиради. Хотини Хайринисога «хўжайин» деб мурожаат қилишида ҳам, унинг айрим гаплари ва қилиқларидан «ғаши келганини билдирмаслик учун кулиб» қўйишида ҳам Арслонбекнинг самимийлиги, бағрикенглиги сезилиб туради. Эҳтимол, Сиз «бу даврада Саида ҳам бор-ку. Қаландаров унга ўзининг ижобий томонларини кўрсатиш учун атайлаб рол ўйнапти» дерсиз? Йўғ-е! Сухбатнинг маромидан, Хайринисонинг қилиқларидан сезиладикки, бу одатий ҳол. Ахир, ёзувчининг ўзи ҳам Қаландаровнинг сада остидаги сўрида одамлар билан муомаласини битиргач, чой ичгани уйига кириб кетганлигини бир неча бор таъкидлайди-ку! Колхоз ҳисобидан овқатланса, қўли ширин Эшон лаззатли таомлар пишириб берса, машаат қилиб юрса бўлмасмиди? Бўлмасди. Чунки Арслонбек Қаландаров колхоз мулкни кўпчиликнинг ҳақи деб билади, уни эҳтиёт қилади. Колхоз омборига ўзини қулф қилиб осиб қўйган. У ана шунақа ҳалол одам.

Абдулла Қаҳҳор Қаландаров тимсолида том маънодаги миллий характери яратиб бера олган. Унинг шоп мўйлови ҳам, юзи ҳам, манмансираши ҳам, жиззакилиги ҳам, одамларга муносабати ҳам, кўпчиликни сенсираб, жеркиб гапириши ҳам - барчаси ўзига ярашади, ниҳоятда табиий кўринади. Раиснинг яна бир миллий фазилати ҳеч кимни бировнинг олдида уришмаслигидир. Правление котиби Умиданинг айтишича, Арслонбек ака «Бировга қаттиқ гапирадиган бўлсалар, кабинетига олиб кириб гапирадилар» (185). Чунки Қаландаров учун одамнинг чиқити йўқ, ҳаммаси ҳурматга лойиқ. Шу хусусиятига кўра партия мажлисидаги шартакликларни, бетгачопарлик билан қилинган танқидларни дастлаб тўғри қабул қилолмайди. Айниқса, бу ишларнинг бошида турган Саиданинг бетгачопарлиги, жуда кўп масалаларда ўз билгича иш тутаётганлиги Қаландаровнинг гашини келтиради. Аёл киши олдида бош эгишни эркак шаънига номуносиб деб билган раис Эшоннинг қутқуси билан Саида устидан ариза ёзиб, обкомга бормоқчи бўлганида ҳам унинг қалбидаги бағрикенглик, одамгарчилик, эркаклик гурури устун келади. Бу ҳам унинг валюматлигидан бир нишондир.

Миллийлик ҳақида гап кетганда яна бир ҳолатни қайд қилмай ўтолмайман. Сиз А.Қаҳҳор асарларини ўқиганингизда унинг қаҳрамонларидан биронтаси севги-муҳаббат тўғрисида тўлиб-тошиб гапирганини ёки хилватга тортиб изҳори дил айтганини учратдингизми? Йўқ? Мен ҳам учратмадим! Ёки алибнинг асарларида севишганлар йўқми? Жудаям борда! Ана, Мушисхоннинг ишқида Мажнун бўлган Раҳимжон Саидий («Сароб»). Ёки Ҳанифа (Канизак)га мафтун бўлган Сидиқжон («Қўшчинор

чироқлари»). Муҳайёни еру кўкка ишонмайдиган Анвар-чи («Муҳаббат»)? Уларнинг қайси бири маъшуқасига ишқини бемалол изҳор этди? Ёки бунга қулай пайт бўлмадими? Бўлди. Эсланг: Саидий билан Мунисхон дарс тайёрлаш баҳонасида паркда, уйда қанча вақт яккама-якка ўгирдилар? Сидиқжон билан Ҳанифа-чи? Қишнинг совуқ кунларида сандалнинг икки ёнида ўртадаги мушукни силаб ўтираверадилар. Нима, уларнинг тили йўқмиди? Гагира олмасмиди? Қўйсангиз-чи! Саиданинг оғзига замбаракдек сўзларни солиб қўйи ан ёзувчи уларни ҳам булбулдек сайратиб юбора оларди. Бунинг устига Саидий шоир ҳам эди.

Абдулла Қаҳҳор учун севги муқаддас туйғу, у инсоннинг тилида эмас, дилида бўлиши керак. Адиб муҳаббатни бачканалаштириб, ҳудабехуда баландпарвоз сўзларни айтаверишни ёқтирмайди. Айниқса, бу ўзбек дегани муҳаббат ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришни хоҳламайди. Унинг учун азиз ва мукаррам бўлган севги ошиқнинг кўз қарашиди, маъшуқанинг нафас олишида, ҳатти-ҳаракати, жести ва мимикасида аён бўлса бас. Сўзбозлик бачканалиқдир.

Мана, биз фикр юритаётган қисса қаҳрамонларидан бири Козимбек Саидани биринчи кўришдаёқ яхши кўриб қолди. Қизнинг кўнглида ҳам «новча, бўйни ишгичка, қулоқлари елпигичдай» келадиган бу йигитга мойиллик пайдо бўлди. Автор уларнинг илк учрашувини тасвирлар экан, қиз ва йигитнинг ҳолатини шу қадар позик бўёқларда акс эттирадики, бир оғиз калимасиз ҳам уларнинг ички олами нурланиб кетади. Козимбек тоби қочиб қолган Саидани кўриш учун хонасига кириб, стетоскопини қизнинг кўксига қўйиб унинг юрак уришига қулоқ солар экан, «димоғига фунчанинг бағрини эслатадиган бир ҳид урилди. Бу ҳиддан ўпкаси яйраб, умрида биринчи марта қониб нафас олгандай бўлди» (265). Абдулла Қаҳҳорнинг тонқирлигини қаранг: ҳанузгача биронта шоирда учрамаган ташбеҳни қўллаган. Фунчанинг ўзини эмас, унинг бағрини эслатадиган ҳид бу чиндан ҳам кашфиётдир!

Козимбекки шу аҳволга тушган бўлса, Саида ўзини қандай ҳис қилаётган экан? Қизнинг юраги безовта ураётгандирки, йигитнинг димоғига фунча ҳиди урилди-да! Боз устига Саида умрида биринчи марта йигит кишинини ёнида ўтирибди, стетоскоп орқали унинг қўли баланига теяшпти. Шунда қизнинг кўзига Козимбек «истараси иссиқ, ҳатто шалпанг қулоғи ҳам ўзига ярашган, очиқ, хушчақчақ бир йигит» бўлиб кўриниб кетди.

Булар-ку пинҳона, фақат севишганларнинг ўзигина ҳис қиладиган туйғулар. Энди уларнинг ошкора севги изҳорини кўринг: Козимбек ўзининг «Москвич» маркали машинасида Саидани очиқ ҳавода айлангитиб келмоқчи бўлади. Қишлоқдан чиқиб район марказига олиб борадиган йўлга чиққанларида тасодифан у ёқдан «Виллис»да ўқдай учиб келётган дадаси Қаландаровга кўзи тушиб қолади ва Козимбек шо-

шиб: «Ётинг! - деди. Саида итоат билан чапга ёнбошлаб, Козимбекнинг сонига бошини қўйди. Козимбек гўё «қимирлама» деган бўлиб унинг елкасига ўнг қўлини ташлади. Соатига саксон километр тезликда келаётган Қаландаровнинг машинаси пишқириб ўтиб кетди. Саида бунини сезиб, бошини кўтармоқчи бўлган эди, Козимбек қўлини олмади. Машина секинлади, чайқалди, ўнг томонга бироз қийшайди-ю, нимагадир дўқ этиб урилди, тўхтади. Саида энгашиб келаётган Козимбекнинг иссиқ нафасини сезиб, ваҳима билан пичирлади:

- Вой! Биров кўриб қолади! Хафа бўламан...

Козимбек ростдан ҳам «хафа бўлса керак» деб дарров бошини кўтарди, сал бўлмаса узр сўраёзди. Саида ўрнидан туриб сочини тузатди. Қўлининг орқаси билан Козимбекнинг юзига секин урди:

- Ёмон бола! Юринг!..» (327-328).

Бу вазиятдаги ҳар бир сўз, ҳар бир ҳаракат шу қадар ўринли ва табиийки, уларнинг биронтасини на чиқариб, на алмаштириб, на сўз қўшиб бўлади. Саиданинг «Биров кўриб қолади» деганида ҳаё, «Ёмон бола» деганида эса севгининг бўйи келиб турибди. Одатда қизлар йигитларнинг қилиғи ёқиб кетганида шу сўзни ишлатишади ва унинг заминида «якхши бола экансиз. Менга ҳам ёқиб қолдингиз» деган маъно яширинган бўлади. Айни чоғда Саиданинг ўзи ҳам шуни истар, энди «ундан балоғатга етганидан бери қалбининг ҳарорати билан қизиб, ўзга қалбга чиппа ёпишадиган бирон оғиз сўз кутар эди. Йўқ. Козимбекдан бундай сўз чиқмади» (328). Козимбек эса гапирадиган аҳволда эмасда! Гарчи унис ҳам, буниси ҳам индамаган бўлсалар-да, иш пишди, изҳори дил айтилди. Бу чинакамига ўзбекона одатдир.

Ўқувчига хуш ёқадиган бу каби нозик тасвирларни, кўримли манзараларни жуда кўп келтириш мумкин. Бироқ шуларнинг ўзи ҳам «Синчалак» қиссасининг XX аср 60-йилларида яратилган ўнлаб асарлар орасида ўзининг бадиий гўзаллиги, ғоявий юксаклиги, замонавийлиги билан бриллиантдек нур таратиб турганидан далолат беради. Бриллиантнинг эса давр ўтган сари қиммати ошиб бораверади.

* * *

Энди «Синчалак» қиссасининг ғоявий юки, яъни идеяси ҳақида суҳбатлашайлик.

Маълумки, «Синчалак» янги учирма қилинган 60-йилларда унинг юксак парвозини таъминлаган омил ёш коммунист Саида образи бўлганди. Ҳали ўзбек адабиётида бундай навқирон ва мукамал характер яратилмаган эди. Боз устига у коммунист эди. Шу пайтгача ўзбек адабиётида партия ва ҳукумат идеалларини оғишмай амалга оширадиган коммунист бош қаҳрамон қилиб олинмаган эди. Асарнинг асосий

гойвий юкини нимжонгина, аммо интилиши, ғайрати, ақли, тадбир-корлиги, ишбилармонлиги билан анча-мунча полвонларни доғда қолдирадиган қиз кўтариб турарди. Ўша пайтда ҳам, кейин ҳам адабий жамоатчилик биронта олий ўқув юртида ёки ўша пайтларда ташкил этилган раҳбарлик курсларида ўқимаган, бироқ ёш бўлишига қарамай кўпчиликка бош бўла олиш қобилиятига эга бўлган бу қизга тасаннолар айтиб, уни кўкларга кўтарди. Устоз О.Шарафиддиновнинг ёзишича, «Ёзувчи Саида образида ҳозирги илғор ўзбек аёлларининг характерли, типик сифатларини умумлаштиради.» Яна: «Синчалак»нинг доврўғини таъминлаган омил шу эдики, адиб унда социалистик жамият одамининг характерини, замонамиз қаҳрамони образини катта маҳорат билан очиб берганди.»⁸

Албатта, бу таърифларда совет даври мафкурасининг таъсири яққол сезилиб турибди. Нафақат А.Қаҳҳорнинг ҳар бир асари тўғрисида жон куйдириб мақола ёзадиган Озод домла, балки академиклар И.Султон, М.Кўшжонов, профессорлар Ҳ.Ёқубов, Ҳ.Абдусамагов, У.Норматов ва бошқа ўнлаб олимлар ўз пайтида «Синчалак»ни кўкларга кўтариб мақтаганлар. Бу табиий эди. Лекин кейинроқ асарда илғари сурилган гойвий мазмунга муносабат ўзгарди. Айримлар уни умуман яроқсиз асар, ёзувчи ҳаётийликка зид образлар яраган, деган фикрларни айтдилар. Уни ҳимоя қилишга яна О.Шарафиддинов қалқон бўлди. Олим ўзининг «Чинорлардан бири» деб аталган мақоласида («ЎзАС», 1995 йил 15 сентябрь) шундай ёзди: «Яқинда «Синчалак»ни қайта ўқиб чиқдим ва бир нарсага ҳайрон қолдим - Абдулла Қаҳҳор 1959 йилдаёқ «Бўстон» колхозини ва унинг атоқли райси Арслонбек Қаландаров тимсолида тоталитар тузумнинг моделини яратган экан-ку! Энг муҳими - бу тузумнинг ичдан чириганини, чуқур таназзул ҳолини кечираётганини кўрсатган экан. Бу таназзул иқтисодий характерга эмас, ижтимоий-психологик характерга эгаллиги ҳам очилган. Ҳар ҳолда «Синчалак»ни янги кўз билан ўқилса, унда колхоз тузумининг ички емирилиши тасвирланганига ишонч ҳосил қилиш мумкин».

Устознинг бу фикрларида жон бор. Чиндан ҳам улкан сўз санъаткори А.Қаҳҳор асарларини ҳар гал «янги кўз билан» мутолаа қилганингизда ундан янги маъно, янги гап топиш мумкин. Бу борада О.Шарафиддиновдан ташқари академик Б.Назаров, профессорлар У.Норматов, С.Содиқларнинг мулоҳазалари билан ҳисоблашмай бўлмайди. Ҳар ҳолда бугуннинг талаби, жаҳон фанига бўйлашаётган адабиётшунослигимизнинг бугунги ўлчови билан ёндашилса, Қаландаровга ҳам,

⁸ О.Шарафиддинов. Адабий этюдлар. Т., 1968. 80-бет. Ҳаёт билан ҳамнафас. Т., 1983. 36-бет.

Саидага ҳам, асар ғоясига ҳам бошқача баҳо бериш мумкинга ўхшайди. Чунки «Синчалак» қиссаси мазмунан кўп қатламли асар бўлиб, назаримда, унинг ички қатламлари ҳанузгача тўла очиб кўрилган эмас.

Эъгибор берилса, асар яратилган давр сиёсий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар юз берди. ВКП(б) тугатилиб, КПСС ташкил этилди. Чунки СССРдек ягона социалистик мамлакатда большевикларга қарши иш олиб борадиган меньшевиклар қолмади, партиялараро ихтилофлар барҳам топди. Ҳамма соҳада ягона Коммунистик партия раҳбарлик ролини қўлга олди. Илгари ҳукумат раиси (СССР министрлар совети) бош раҳбар ҳисобланган бўлса, эндиликда КПСС МКнинг Бош секретари шу лавозимни эгаллади. Партиянинг айтгани айтган, дегани деган бўлиб қолди. Партия аъзоси бўлган одамгина раҳбарлик лавозимига ўтирди. Коммунистик партия сафига кириш учун очиқчасига кимосди савдоси бошланди.

Абдулла Қаҳҳор кўп донишманд адиб эди. Мамлакатда рўй бераётган бу хавф қандай оғир оқибатларга олиб келишини англаб етмаслиги мумкин эмасди. Айнан адабиётга кириб келаётган йилларида амалга оширилган «Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида»ги қарор (1925) қанчадан қанча ёзувчи ва олимларнинг бошига етганини ўз кўзи билан кўрган эди. Бу галги тўлқин куч-қудрати жиҳатидан аввалгисидан-да кучлироқ эди. Ҳамма ташкилотларда, колхоз ва совхозларда нечта коммунист бўлишидан қатъий назар партия ташкилоти тузила бошланди. Хўжалик раҳбари ёки корхона директоридан кўра кўпроқ ана шу саноқли кишиларга раҳбарлик қилаётган секретарнинг роли ошди, ҳамма масалаларни у ҳал эта бошлади. Унинг розилигисиз бир қадам олға силжиш ҳам, теварак-атрофга қараш ҳам, баландроқ овоз чиқариб гапириш ҳам мумкин бўлмай қолди. Эслайсизми, йиғилишларда сўзга чиқадиган одам аввал матнни тайёрлаб, партия ташкилотининг секретари назоратидан ўтказиб олиши шарт эди. Матнда ёзилгандан ташқари бир оғиз сўз айтиш жиноят ҳисобланарди. Бу халқ дардини яхши билган, адабиётнинг атомдан кучли қудратга эгаллигини ҳис қилган, аммо унинг кучини ўтин ёришга йўналтираётганлигидан ташвишга тушган А.Қаҳҳорни бефарқ қўймаслиги табиий эди.

Шуларни ҳисобга олганда А.Қаҳҳорнинг «Синчалак»ни парвозга шайлашидан кўзлаган асосий мақсади халқини мамлакат бўйлаб кезиб юрган бир шарпа - партия яккаҳокимлиги хавфидан огоҳлантиришдан иборат бўлганлигини сезиш қийин эмас. Ўзининг 60 йиллик юбилеи муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда жасорат билан айтган «Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман» деган ҳайқириви Абдулла Қаҳҳор қалбида ўн йил аввал пайдо бўлмаганми-кан? Саиданинг бутун фаолияти, ҳатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари буй-

руқни бажаришга шай турган солдатни эслатмайдими? Атиги ўнинчи синфнигина битирган, комсомол ишида уч-тўрт йил хизмат қилган, бир йилдан буён район партия комитети секретарининг иш юритувчиси (илгари машинисткаси дейиларди) вазифасини бажараётган Саида Алиева ёш бўлишига қарамай жуда доно ва ўта тажрибали раҳбар сифатида тасвирланган. Ҳали турмуш қурмаган бу қиз Тожиҳон, Меҳри сингари аёлларга шундай маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатадики, унинг донолиги-ю кўпни кўрганлигидан ёқа ушлайсиз. Бу адиб томонидан атайлаб қилинган адабий «найранг». Шу жиҳатдан адабиётшунос С.Содиқнинг Саида характери ишонтириш қудратига эга эмаслигидан ҳайратга тушишига ўрин йўқ деб ҳисоблайман.⁹

Мамлакатда партия яккаҳокимлигининг ўрнатилиши муносабати билан Қаландаров сингари нафақат район ёки вилоятга, балки бутун республикага танилган раислар ҳам партия ташкилотининг котиби олдида писиб қолдилар. айтганини лом-мим демай бажаришга мажбур бўлдилар. Аслида коммунистлар озчилик бўлгани учун бундай котибларга иш ўрни ҳам йўқ эди. Саида ҳам аслида клуб мудирини вазифасини бажаради. Қаландаров хоҳласа унинг бурнини ерга ишқалаб ўз соҳасида ишлашга мажбур этиши мумкин эди. Бироқ бундай қилолмайди. Негаки, партия ташкилоти котиби қандай штатда ишламасин, унинг орқасида райком, обком, Марказкўм деган тоғдек суянчиқлари бор эди. Қаландаровга ўхшаганларнинг қўлидан нима келарди? Алал-оқибат партия ташкилотининг котиби Саидахоннинг «зўр»лигини тан олди, бўйин эгди.

Абдулла Қаҳҳор эса бу билан қаноатланиб қолмайди. Масалани янада чуқурлаштириб, партия яккаҳокимлиги ижтимоий ҳаётгагина эмас, балки оилага, маиший турмушимизга ҳам хавф солаётганлигига ишора қилади. Саиданинг Козимбекка турмушга чиқиши ва уни ота-онасидан ажратиб (якка ўғил бўлишига қарамай), районга кўчиб кетишлари шунга ишорадек туйилади.

Қуллас, «Синчалак»нинг парвозидан кутилган ният шунчаки ўзбек аёлининг ижтимоий ҳаётдаги роли ошиб борганлигини, бунга сабабчи социалистик тузум эканлигини исботлаш эмаслиги аён бўлди. Ўзи мўртгина, нимжонгина бўлса-да, «осмон тушиб кетса, ушлаб қоламан деб оёғини кўтариб» ётадиган синчалакдек Саида Алиева образи орқали мамлакатда партия яккаҳокимлигининг ўрнатилаётганлигини тасвирлаш эди. Адибнинг бу қутлуғ нияти бугун янада аниқроқ кўриниб турибди.

⁹ Қаранг: С.Содиқ. Мўъжизалар мўъжизаси. Озод Шарафиддинов портретига чизгилар. Т., «Фан», 2006. 65-бет..

ЧИНОР ҲАҚИДА ҲЙЛАР (Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқидчилик)

Дунёда 500, 1000 йил ва ундан ҳам кўпроқ умр кўрган чинорлар бор. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган чинор эса эндигина 100 ёшга кирди. Бироқ танасининг салобати, баргларининг қуюқлиги, шохларининг бақувватлиги, қадди-қоматининг расолиги билан ўша баркамол чинорларга бемалол тенглаша олади. Бу чинор ҳозир ҳам ўз тенгдошлари қаторида яйраб-яшнаб турибди, ўзи орзу қилган мустақил она юртининг муқаддас тупроғига теран томирларини янада чуқурроқ отмоқда. Аслида уни ниҳоллигидаёқ юлиб ташлашга, ҳеч бўлмаса, шох ва буталарини кесиб, танасига зарар етказишга, ўстирмасликка кўп уриндилар. Аммо чинор чайир экан, бундай бутаашларга, эгиб олишу қайиришларга чидам билан бардош берди, ўзини тутиб турган она заминдан қувват олди. Бевақт эсанг шамолу бўронлар шиддатидан қирсиллаб-чирсиллаб эгилса-да, букилса-да, синмади. Ҳар сафар даҳшатли ҳужумлардан сўнг қаддини яна баралла тиклади, кўкка интилди. Чунки унинг атрофида йиқилса - авайлаб кўтарадиган, синса - суяб қоладиган, эгилса - тиргак бўладиган ўнлаб қоялар, томирига озуқа, руҳиятига қувват, танасига дармон бериб турадиган халқи бор эди.

Бу «қудратли, забардаст чинор» ўзбек адабиёти боғида бутун бўйбаста, кўрки ва салобатини намоёниш этиб, кун сайин, ой сайин «қўкариб, яшнаб» бораётган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳордир. Бу чинорни билмаган, унинг «қуюқ соясидан баҳраманд»¹⁰ бўлмаган одам Ўзбекистонда топилмайди. Айниқса, адабий жамоатчилик орасида... Кимлардир бу чинорга узоқдан ҳавас билан қараб, қадди-қоматини томоша қилади. Яна қанчадан қанчаси унга яқин келиб, бутун салобатини, давр довулларига бардош бериб, курашларда чиниққан, бевақт урилган зарбалардан тарам-тарам бўлган, ёрилиб кетган танасининг жароҳатларига малҳам қўйишга интилади. Баъзилар эса ҳануз унинг ёнидан бепарво ўтадилар. Нежабки, унга ғайирлик билан қараб, ҳозир ҳам тош отадиганлар бор. Аммо бу тошлар энди мўлжалга ҳам тегмайди, чинорга таъсир ҳам қилмайди. Чунки ҳаётнинг ўзи чинорнинг қандайлигини, унинг яна узоқ йиллар, асрлар оша яшай олишини амалда исботлаб берди. Агар ғайирлик ва тухмат билан отилган бу тошларни аввалгиларга қўшиб бир жойга йиғилса, улкан бир тоғ вужудга келади. Бу муболаға эмас, рост гап.

Дарвоқе, Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди вафотига қадар ҳам, ундан

¹⁰ Ушбу кўчирмалар устоз О.Шарафиддиновнинг «Чинорлардан бири» номли этюдидан олинди. «Адабиётни англаш бахти». Т., «Шарқ» НМК, 2004.

сўнг ҳам адабий танқидчилик назаридан ҳоли қолмади. Замондошлари орасида энг кўп танқид бўронига учраган адиб А.Қаҳҳор бўлди десам, ҳамкасбларим ажабланишмас. Тўғри, ўз даврида Ойбек, Ҳ.Олимжон, Миртемир кабилар ҳам танқиднинг шиддагли дўли остида қолганлар. Бироқ дўлдан сўнг офтоб чиқиб, кунлар илиб кетгани сингари 60-йиллардан бошлаб бу ижодкорлар фақат мақтов эшитдилар. Ёлғиз А.Қаҳҳоргина танқидчиликнинг бундай марҳаматидан холи қолди ва ўхтин-ўхтин аёвсиз ҳужумларга учраб турди.

Бинобарин, адабий танқидчиликнинг Абдулла Қаҳҳор ижодига бўлган муносабати чорак кам бир аср давомида тўрт босқични бошдан кечирди. Бу жараёни қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1. А. Қаҳҳор асарларига вулгар социологик нуқтаи назардан қараш (XX асрнинг 30-йилларидан 60-йилларигача);
2. А.Қаҳҳор ижодига нисбатан илиқ муносабатнинг шаклланиши (60-70 йиллар);
3. Қайта қуриш ва ошкоралик даври адабий танқидчилигининг А.Қаҳҳор ижодига муносабати (80-йиллар);
4. А.Қаҳҳор ижодига холисона ва янгича ёндашиш даври (90-йиллардан кейин);

Бу босқичлар бизнингча, адабий танқиднинг ўз давридаги умумий савиясини ҳам, ёзувчи асарларининг ғоявий-бадий даражасини ҳам бирмунча тўғри баҳолашга ёрдам беради. Негаки, бу танқидлар ўз даврида нечоғлик ҳақ ёки ноҳақ бўлмасин, Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий камолотига таъсир этмай қолмади. Айни чоғда танқид қилинган асарларнинг бадий савияси ҳам ўзгариб борди. Асарларни танқид талабига мослайман деб, ёзувчи кўпинча ўз исгагига қарши боришга мажбур бўлди (адибнинг «Сароб» ва «Қўшчинор чироқлари»дан кўнгли тўлмаганининг боиси ҳам шунда). Лекин санъаткорнинг том маънодаги истеъдоди матносни мазмунда, характерларнинг табиий ҳатти-ҳаракатларида, жести ва мимикасида, баён оҳанги ва бадий тасвир кўламида яққол сезилиб туради. Аммо уларни илғаб олиш адабиётшунос ва мунаққидларга ҳозиргача ҳам осон бўлаётгани йўқ. Бу ҳолни биз белгиланган даврлардаги фикрларга бир қур назар ташлашнинг ўзи ҳам исбоглаб турибди.

Ҳали илк романи «Сароб» алоҳида китоб шаклида босилмай туриб, журнал нусхасиёқ танқидчилар назарига тушди. Гарчи танловда иккинчи ўринни олган ва дастлаб мақтовларга сазовор бўлган бўлсада, оз фурсат ўтмай танқидчилик романни ўққа тута бошлади. Натижада ёзувчи асар устида дастлаб тўрт йил ишлади ва биринчи бор 1938 йилда (1937 йил санаси билан) босилиб чиқди. Кейин ҳам ҳужум тўхтамади ва А.Қаҳҳор роман устида 20 йил иш олиб борди. Танқид шамоли

тингандай, роман ўзгалар кутган даражада яратилгандай бўлди. Танқидчилик уни 20-25 йиллар ўз ҳолига қўйди. Аммо қайта қуриш ва ошкоралик ниқоби остида бошланган сунъий ҳаракат романга нисбатан ҳужумнинг янги тўлқинини бошлаб берди. Эндиги мунаққидлар (уларнинг аксарияти адабиёт даргоҳига эндигина кириб келаётган ёшлар эди) «Сароб» романининг муаллифи Абдулла Қаҳҳорни 30-йиллардаги суд материалларини «тартибга солиб, қайта ишлаб берган» котиб, ҳикояларида ўтмишимизнинг нурли томонларини кўролмайдиган социализмнинг «қора кўзойнак»лик маддоҳи, «Синчалак» қиссасидаги Саида образи орқали эса коммунистик фирқанинг буйруқларини сўзсиз бажарувчи роботсимон раҳбарларни тарбиялаб берган адиби сифатида айблаб бошладилар. Уни ҳатто мактаб дарсликларидан чиқариб ташлашни ҳам талаб қилдилар.

Аммо бу мавзу нечоғлик қизиқарли, фактларга бой ва муҳим бўлмасин, мен барча даврларни батафсил таҳлил этишни зиммамга ололмайман. Бу адабиётшунослигимиз олдида тадқиқ этилишини кутиб турган вазифалардандир. Менинг вазифам бу ерда А.Қаҳҳор ижодини тўғри тушуниб, ижодий лабораториясига чуқурроқ кириб бориб, ёзганларини ёзувчининг ўз назаридан ўтказиб, унинг дуосини олиб, монументал тадқиқотлар яратган уч адабиётшуноснинг ишларини баҳоли кудрат назардан кечиришдир.

Тўғриси, Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақида битта мақола ёзмаган, ҳеч йўқ унинг муборак исмини ўзбек ёзувчилари рўйхати қаторида қаламга олмаган адабиётшунос республикамызда топилмайди. Нафақат ўзимизда, балки Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбойжон республикаларининг адабиётшунослари ҳам А.Қаҳҳор ижодини батафсил ўрганганлар, унинг маҳоратини ёшларга ибрат қилиб кўрсатганлар. Улкан рус адибу олимлари К.Симонов, Н.Тихонов, З.Кедрина, Г.Ломидзе, И.Бородина, Л.Климович, Р.Бекмухамедовлар ҳам ўзбек ёзувчисининг буюк санъаткорлигини тан олган ва дунёга танитганлар.

Ўзбек адабиётшунослари орасида Абдулла Қаҳҳор ижоди билан мукамал шуғулланган олимларнинг узун рўйхатини келтириш мумкин. Ёзувчининг ижод боғига биринчи бўлиб қадам босган, ҳаёти ва ижоди тўғрисида илк монография яратган профессор Ҳ.Абдусаматов, унинг услубини аниқлашга кўп уринган М.Султонова, адибнинг эстетик оламини тадқиқ этган С.Содиқов хизматларини алоҳида таъкиллаш ўринлидир.

Аммо бошқа олимларнинг хизматини мутлақо камситмаган ҳолда дадил айтишим мумкинки, уларнинг ҳеч бири Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйича олиб борган тадқиқотларининг сони ва сифати жиҳатидан уч ўзбек олими - академик Матёқуб Қўшжонов, Ўзбекистон Қаҳрамони,

профессор Озод Шарафиддинов, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Умарали Норматовларга етолмайди. Уларнинг ҳар бири адиб ижоди тўғрисида камида 20 тадан катта-кичик мақола, 3-4 тадан китоблар чиқаришган. Бу олимларнинг илмий раҳбарлигида ёқланган номзодлик, докторлик диссертацияларини ҳам ҳисобга қўшадиган бўлсак, бу хирмоннинг салмоғи янада ортади.

Менинг назаримда, чинор зиёрагига келганлар унинг атрофида зийрак туриб, чинорнинг бутун қиёфаси ва салобатини ошириб, янада кўркем қилиб кўрсатадиган, қўлларида ҳақиқат ва адолат қаламини тутиб турган ана шу уч посбон раҳнамолигида кириб борсалар яхши бўларди. Чунки улар зиёратчиларга бу улкан чинорнинг ҳали-ҳанузгача ҳеч кимга маълум бўлмаган сир-синоатлари ҳақида сўзлаб берадилар. Унинг моҳиятини тўлароқ, чуқурроқ англаб олишга кўмаклашадилар. Уларнинг ҳикоясисиз чинор ҳақида етарли тасаввурга эга бўлолмаймиз. Боиси бу уч посбон чинорнинг қуюқ соясидан энг кўп баҳраманд бўлган, иссиқ-совуқ кунларни бошларидан биргалликда кечиришган. Чинорни даҳшатли бўруну қаҳратон совуқлардан ҳимоя қилишда уларнинг хизмати катта. Зарур пайтда улар чинорга суянчиқ ва мадад ҳам бўлдилар. Дарвоқе, посбонларнинг ўзлари ҳам ана шу чинор соясида қалларини янада тикладилар, ҳақиқатнинг кўзига тик қарашни, адабиётга, халққа чин дилдан хизмат қилишни, ҳар доим руст сўзлашни ундан ўргандилар.

Бу уч адабиётшунос олим яратган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил доирасининг кенглиги, тадқиқот объектининг қамрови, илмий мулоҳазаларнинг чуқурлиги ва ўзига хослиги, шакли ҳамда мазмунининг ранг-баранглиги билан бир-бирига сира ўхшамайди. Фақат бир нарсада - ёзувчига бўлган муҳаббатнинг буюклиги жиҳатидан улар муштаракдир. Бу муҳаббат Матёқуб Қўшжоновнинг А.Қаҳҳор ижодига хос биронта ҳам камчиликни кўрсатмаслигида, уни ҳар қандай ёмон кўздан эҳтиёт қилиб, жаҳон миқёсига кўтаришида, Озод Шарафиддиновнинг ёзувчини унинг бошига ёғилган ҳар қандай бало-қазолардан, танқидий ҳужумлардан асраб-авайлаб олиб ўтиши-ю, қусурларини ҳам, мафкуравий чекланганлигини ҳам фазилатдай изоҳлашида, Умарали Норматовнинг ҳали-ҳанузгача адиб асарлари таҳлилида атоқли санъаткорнинг ўзи кутганчалик мавқега эриша олмаганлигимиздан устоз руҳи олдида узр сўраши-ю Абдулла Қаҳҳор ишончини оқлаш учун асарларини янгича талқин усулида ўрганишга уринишида кўзга ташланади. Муҳими, улар бир-бирини такрорламайди, балки тўлдирди ва ўқувчи тасаввурини янада бойитади.

Назаримда, бу уч адабиётшунос Абдулла Қаҳҳорнинг бутун меросини ёритиб, эл кўзига равшан кўрсатиб турган минг кўзли прожектор-

ларга ўхшайди. Уларнинг ҳар бири турли томонлардан ёзувчи ижодини икир-чикиригача, энг кичик зарраларигача ёритиб бера олганлар. Чунки улар бу адиб ҳаёти ва ижодини бошқалардан кўра яхшироқ билдилар. Озод ака таъбири билан айтсак, танглайи Фафур Фулом шеърлари-ю Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари билан кўтарилган бу уч аллома ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб ёзувчи хонадонининг доимий мижози бўлиб қолдилар. Ўн йилдан ортиқ давом этган бу яқинлик ёзувчи вафотидан сўнг масъулиятга, виждон амрига айланди. А. Қаҳҳор ҳаётлигида унинг ҳикоя ва қиссалари ҳақида кичик-кичик тақризлар ёзиб, қаламини чархлаб, устознинг назаридан ўтказиб олган олимлар энди унинг олдидаги маънавий бурчини адо этиш учун йирик тадқиқотларга қўл ура бошладилар.

«Синчалак» асари ҳақидаги «Келажакка чорловчи повест» («Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1959 йил 11 апрель) тақризи билан ёзувчи оламга кириб келган Озод Шарафиддинов тез орада катта ишни бажаришга киришди. У адибнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан нашр этилаётган 6 жилдлик «Асарлар»ига «Истеъод жилолари» сарлавҳали сўзбоши ёзиб берди. Сўзбоши 1- томга киритилди. Бу пайтда улуғ адиб ҳаёт эди, мақолани ўқиб, ёш мунаққиднинг топқирлигига тан бериб, олимни дуо қилиб кетган бўлса, ажабмас. Бу дуонинг шарофати билан Озод Шарафиддинов кейин ҳам Абдулла Қаҳҳор ижодига бағишланган талай асарлар яратди. Ҳар гал ёзувчи асарлари тадқиқига киришар экан, мунаққид устозидан олган сабоқларига қатъий амал қилган ҳолда унинг асарларини қайта-қайта мутолаа қилади. Улар ҳақидаги фикрларини ой сайин, йил сайин янгилаб боришдан эринмайди. Шунинг учун ҳам олимнинг ҳар бир мақоласи таҳлил усулининг ранг-баранг лиги, мулоҳазаларининг янгиллиги билан ажралиб туради.

Учала қаҳҳоршунос олим ҳам энг аввало, адибнинг ҳикоянависликдаги санъаткорлик сирлари тўғрисида қалам тебратганлар. Маълумки, Абдулла Қаҳҳор янгиланган XX аср ўзбек адабиётида ҳикоячилик мактабининг асосчиси ҳисобланади. Аммо бу рутбаъга у осонликча эришгани йўқ. Маҳорат манзилига етиш йўлидаги ютуқлари қийинчиликлар, ёзувчининг ўзига хос услуби-ю, ҳикояларининг поэтик олами ҳақида ҳар бир олим ўзича фикр юритади. Бу жиҳатдан М.Қўшжоновнинг «Ҳикоянавис санъати», «Машҳур ҳикоянавис». «Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор», «Абдулла Қаҳҳор маҳорати»¹¹, Озод

¹¹ М.Қўшжонов. Ҳаёт ва нафосат. Ғ.Фулом номидаги АСН.Т., 1970. М.Қўшжонов. Сайланма. 2 жилдлик. 1-ж. Т., Ғ.Фулом номидаги АСН. 1982. М.Қўшжонов. Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор. Т., «Фан», 1973. М.Қўшжонов. Абдулла Қаҳҳор маҳорати.Т., Ғ.Фулом номидаги АСН. 1988..

Шарафиддиновнинг «Истеъдод жилолари», «Абдулла Қаҳҳор», «Абдулла Қаҳҳор ҳақида этюдлар»¹², Умарали Норматовнинг «Ҳикоянавис санъати», «Қаҳҳорни англаш машаққати»¹³ сингари йирик тадқиқотлари ва китобларини солиштириб кўриш ўринлидир.

Академик Матёқуб Қўшжонов ўз асарларида асосан Абдулла Қаҳҳор ҳикояларига ижтимоий-ғоявий нуқтаи назардан ёндашади ва таҳлил қилади. Ёзувчининг турли мавзуларда ёзилган ҳикояларидаги муаммо, замон, макон ва қаҳрамонларни таҳлил этар экан, олим уларда кўпроқ ғожеий мотивларнинг ифодаланиши, сатира ва юморнинг бадий салмоғи ҳақида фикр юритади. Мунаққид «ижоди мазмунан жуда кенг, шаклан ниҳоятда хилма-хил» бўлган Абдулла Қаҳҳор асарларининг «ғоявий ва проблематик йўналишлари ҳақида фикр юритишни» мақсад қилиб олган. Бу мақсад олимнинг барча тадқиқотларида устиворлик қилади. Масалан, М.Қўшжоновнинг «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» монографиясида ёзувчининг ҳикоялари ва драмалари таҳлил этилади. Унда адибнинг биронта ҳам қиссаси ёки романи тилга олинмаган. Монографиянинг 5 бобидан тўрттаси адиб ҳикояларида ўтмиш воқеаларининг ғожеий тасвирини чиза олиш маҳорати, ғожеий ҳолатлардан ҳаётбахш тугалланмаларни топа билиш қобилияти, сатира ва юморнинг ўрни ҳамда родини тадқиқ этишга бағишланган. Олим А.Қаҳҳорнинг ўзига хослиги ва буюклигини амалда исботлаш, унинг жаҳон адабиётида тутган муқим ўрнини илмий жиҳатдан исботлаб бериш ниятида қиёсий-типологик усулдан ғоят унумли фойдаланади.

Монографияда ёзувчининг қарийб барча ҳикоялари қамраб олинган. Улар мавзу ва муаммо жиҳатидан гуруҳларга ажратиб тадқиқ қилинади, ҳар биридан «янги сир ва маънолар» қидирилади. Бадий асарга қиёсий-типологик нуқтаи назардан ёндашиб, жаҳон адабиётидан кўплаб намуналарни таҳлилга жалб этиш олимга босиқлик билан фалсафий мушоҳада юритишга имкон берган. Бу услубнинг самараси айниқса, ёзувчи ҳикояларини рус ва жаҳон адабиёти намуналари билан таққослаб тадқиқ этишида яққол намоён бўлган. Шуниси борки, Абдулла Қаҳҳорнинг биронта ҳикояси таққослашдан холи эмас. Бу ҳол ўқувчида дастлаб «Абдулла Қаҳҳор барча ҳикояларини фақат бошқалардан ўқиб, ўрганиб ёзган экан-да!» деган шубҳани ҳам пайдо қила-

¹² О.Шарафиддинов. Истеъдод жилолари. Т., Ф.Фуллом номидаги АСН, 1976. О.Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор. Т., «Ёш гвардия», 1988. О.Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. Т., «Шарқ» НМК, 2004.

¹³ М.Қўшжонов, У.Норматов. Маҳорат сирлари.Т., Ф.Фуллом номидаги АСН, 1968. У.Норматов. Қаҳҳорни англаш машаққати. Т., ЎзМУ, 2000. (матндаги кўчирмалар шу манбалардан олинди).

ди. Бироқ М.Қўшжонов бундай шубҳага йўл қўймаслик учун иложи борича, А.Қаҳҳорнинг оригиналлигини, миллий ўзига хослигини аниқ мисоллар билан исботлаб бера олади.

Масалан, А.Қаҳҳорнинг иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзган «Асрор бобо» номли машҳур ҳикоясини рус адиблари А.П.Чеховнинг «Ҳасрат» («Тоска»), Н.В.Гоголнинг «Тарас Бульба» ва «Эски дунё помещиклари» асарлари билан таққослаб таҳлил қилади. «Ҳасрат» ҳикояси қаҳрамони Ион Потаповнинг шахсий дард-ҳасрати билан Асрорқулнинг ижтимоий дардини, Тарас Бульбанинг ҳаёт йўли, қисмати билан Асрор бобонинг турмуш тарзи, кечмиши, оиласи, фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббатини солиштириб, улар ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигига урғу беради: «Абдулла Қаҳҳор «Асрор бобо»ни яратишда «Тарас Бульба»нинг мотивларидан фойдаланган бўлса ҳам ҳикоя ўз миллий колорити, ёзувчининг ўзига хос услуби ва лирик йўналиши билан ажралиб туради. Ёзувчи ўзининг «Тарас Бульба»дан таъсирланишини ёзар экан, «мен ўзбекнинг Тарас Бульбасини яратдим» деган эмас, балки Асрор бобога Тарас Бульбанинг чизиқларидан бириши беришга уриндим» деган, холос. Тарас Бульба кўп қиррали ва кўп планли характер. Асрор бобо характери кўламида шу хилдаги кўп қирраликни, кўп планлиликни кўрмаймиз. Абдулла Қаҳҳор Асрор бобо характерига асосан драматик йўналиш бағишлаган ва шу йўналиш орқали замон нафасини, уруш йиллари кишиларидаги ватанпарварлик руҳини, умумхалқ нишига фидойиликни акс эттирган» (57-58-бетлар).

Устоз Озод Шарафиддинов услубида эса илмий-публицистик руҳ устуңлик қилади. Олим асосий эътиборини Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёт йўлига, кўрган-кечирганларига, оилавий шароитига қаратади. Мана шундан келиб чиққан ҳолда адиб асарларидаги воқелик ҳамда характерларнинг ҳаётгийлик илдизларини қидиради. Бундай илдизларни О.Шарафиддинов қаҳрамон табиатида бўртиб турган фазилатлар билан халқ турмушида кўзга яққол ташланмайдиган, аммо унинг динамикасини бусиз тасаввур қилиб бўлмайдиган хислатлари билан боғлайди. Мана, ёзувчининг ўша машҳур «Асрор бобо» ҳикояси тўғрисидаги бу олимнинг хулосаларига назар ташланг: «Абдулла Қаҳҳор Гоголга эргашиб, Асрор бобо образида ўзбек халқининг энг муҳим хислатларини, энг олижапоб фазилатларини умумлаштириб беради. Адиб қаҳрамон характерини миллий ўзига хос рангларда кўрсатар экан, бирон ўринда уларнинг шаънига мақтов гаплар айтмайди ёхуд уларга қора бўёқ суркамайди.» Адабиётшунос О.Шарафиддинов ҳамкасби М.Қўшжоновдан фарқли ўлароқ, Асрорқулнинг миллий ўзига хос дунёсига чуқурроқ кириб боради ва унинг ана шу фазилатларини бирин-кетин ўртага ташлайди: Масалан, Асрор бобо, биринчидан, «ўта андишали одам»; иккинчидан, «у

табиатан коллективист одам» (бу ибора адабиётшуносликда биринчи марта айтилган ва қаҳрамон характерини англашда мутлақо янги топилдиқ эди - Й.С.); учинчидан, «Асрор бобо ғоят донишманд одам»; тўртинчидан, «унинг учун «Ватан» тушунчаси чекланган, мавҳум тушунча эмас, унинг ватанпарварлиги тарихан конкрет ижтимоий мазмунга эга» (130-131-бетлар).

Кўринадики, ҳар икки олимнинг бир асар ҳақидаги фикрлари ўзига хос бўлиб, Абдулла Қаҳҳор услубини, унинг Асрор бобо образидан кўзлаган ниятларини турли ракурслар орқали ёритиб берадилар ва улуг санъаткорнинг монументал қиёфасига янги чизгилар қўшадилар. Бундай хилма-хил таҳлил усулларини А.Қаҳҳорнинг «Ўғри», «Бемор», «Анор», «Даҳшат» ҳикоялари таҳлили мисолида ҳам учратиш мумкин. Масалан, М.Қўшжонов ёзувчининг «Анор» ҳикоясини А.П.Чеховнинг «Кулфат» («Горе») ҳикоясидан ташқари яна ўзбек адибаси Саида Зуннунованинг «Қўллар» ҳикояси билан ҳам қиёслаб таҳлил қилади. Сиртдан қараганда қиёслаш учун танланган бу асарлар на шаклан, на мазмунан, на воқелик томонидан «Анор»га ўхшамайди. Масалан, «Кулфат» ҳикояси аслида «Анор»дан кўра воқелиги, қаҳрамонларининг ҳажми ва кечинмалари, фожеий тугалланмаси жиҳатидан «Бемор» ҳикоясига жуда яқин. Иккаласида ҳам хотини касал бўлиб қолган кимсаларнинг қайғу-ҳасрати, фожиаси ифодаланган. «Қўллар» ҳикоясида эса С.Зуннунова уруш туфайли бева қолган Малика холанинг ёлғиз ўғлини вояга етказиб, уйлаб, эрининг ҳанузгача оҳори тўкилмаган устки кийимлар (костюм, шим ва тўн)ини ўғлига, ўзининг келинлик узугини келинига туҳфа қилиши ҳақида гап кетади. Кўринадики, бу асарларда кўтарилган ғоянинг ҳам, адиблар илгари сурган ниятнинг ҳам бошқоронғи хотинига бир донан анор топиб беролмай, ўғрилиқ қилишга мажбур бўлган Туробжон кечинмалари билан мутлақо яқинлиги йўқ.

М.Қўшжонов эса бу ҳикояларни мазмунига қараб эмас, балки жанр хусусиятларига кўра таққослайди. Дастлаб ҳикоя жанри қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги назарий фикрларини баён қилади. Хусусан, «Анор» ва «Қўллар» ҳикояларининг ўхшаш томонлари шундаки, аслида «ҳикоя ёзувчи томонидан қаламга олинмаган бошқа кўпгина воқеа ва ҳодисаларнинг якуни, натижаси сифатида майдонга келади» (8-бет). Яъни бундай жанрдаги асарда «номухимдан муҳим фактни» ажратиб олинади. Шунинг учун ҳам ёзувчилар Туробжон билан Малика холанинг аввалги ҳаётида рўй берган воқеаларни тасвирлаб ўтирмайдиларда, энг муҳим моментни танлаб оладилар. Аммо ўқувчи воқеалар ривожидан уларнинг бутун ҳаёти тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлади.

Адабиётшунос Умарали Норматов Абдулла Қаҳҳор ижоди тўғрисида узлуксиз эълон қилаётган мақолалари ҳамда китобларида бу «ул-

кан санъаткорнинг мураккаб ва мардона ҳаёт йўли»га, серқирра ижодига ҳар сафар янгича нигоҳ билан назар ташлайди. Олимнинг тадқиқотларида яқин-яқингача адиб асарларига бироз замонасозлик, мафкуравий қолип асосида ёндашилиб, улардаги бадийий гўзаллик сирларини ҳанузгача етарли ва холисона очиб берилмаганидан ўқинч нидоси эшитилади. Бу борада мунаққид ҳатто ўзини ҳам аямайди ва ёзувчи руҳи олдида уз сўрашдан тортинмайди. Бундай чинакам мардона муносабат айниқса, олимнинг «Қаҳҳорни англаш машаққати» номли рисоласида аниқ кўринади.

Мунаққид А.Қаҳҳорнинг «Анор», «Бемор», «Даҳшат» сингари классик ҳикояларини таҳлил қилар экан, М.Қўшжоновга ўхшаб бошқа ҳикоялар билан таққослаш, О.Шарафиддиновдек ҳаёт ва бадийят мезонларига персонаж нуқтаи назари билан қараш йўлидан бормайди. Улардан фарқли равишда У.Норматов ҳикоялар организмга чуқурроқ, теранроқ назар ташлайди. Асар қаҳрамонлари Туробжон, Сотиболди, Унсинларнинг ҳаётий илдизларини «Ўтмишдан эртаклар»даги лавҳалардан излайди. А.Қаҳҳорнинг улуғ санъаткор сифатида кичик ҳаётий фактлардан катта бадийий умумлашмалар чиқара олиш маҳоратига эътиборни тортади. Яна шуниси муҳимки, У. Норматов ҳикоялар таҳлилида қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини қалам-бақалам очишда А.Қаҳҳор қандай усуллардан фойдаланганини ҳам батафсил очиб беради. Олимнинг таъкидлашича, «муаллифнинг диққат-эътибори асосан Туробжон руҳиятига» қаратса-да, унинг «руҳияти таҳлили айна вақтда аёл қалбига ҳам алоқадор»дир. Ёзувчи Туробжон руҳиятини бевосита, аёлнинг ички оламини эса билвосита очади. Натижада бу «Руҳий қийноқлар жам бўлиб аёл қалбидан портлаш вужудга келади» (18) ва ҳикоянинг ечимига асос яратади.

Қиёсий-типологик таҳлил усули академик М.Қўшжоновнинг илмий фаолиятида бош фазилатга айланганини бошқа асарлари ҳам исботлаб турибди. Айниқса, «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» монографиясида бу фазилатнинг янгича қирралари намоён бўлганини кўрамыз. Олим А.Қаҳҳор асарларининг бадийий гўзаллигини исботлаш учун уларни фақат жаҳон адабиёти намуналари ёки замондошларининг асарларига таққослаш билангина чекланмайди. Кези келганда мавзу ва муаммо жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган ўз асарлари билан ҳам солиштириб муҳим назарий хулосалар чиқаради. Масалан, «Асрор бобо» ҳикояси қаҳрамони Асрорқулнинг иродаси мустаҳкамлиги илдизларини исботлаш ниятида адибнинг ундан кейинроқ ёзилган «Минг бир жон» (1956)даги Мастура ва «Маҳалла» (1965) ҳикоясининг қаҳрамони Ҳикмат бува образлари билан таққослайди. Уларда адиб «ҳаётми, ўлим деган масалани ташлаб, ҳаёт деб жавоб беради» деган хулосага келади. Чиндан ҳам бу асарларнинг қаҳрамонлари ўзларининг ҳаётга му-

носабати, яшашга иштиёқи, сабр-қаноати, одамларга меҳри билан фақат А.Қаҳҳор ижодидагина эмас, балки умуман ўзбек адабиётида ибратга лойиқ образлардир.

Шунингдек, мунаққид Абдулла Қаҳҳор ижодига хос бирон бир муаммони ўртага ташлар экан, ана шу муаммо ёзувчидан олдин қалам тебратган устоз адиблар ва айни чоғдаги замондошлари ижодида мавжудми? Агар бор бўлса, қандай афзалликларга эга? Адиб улардан нимани, қандай воситаларни ўрганди? Унга ўзи нималарни кўшди ва қай йўсинда ҳал этди? Абдулла Қаҳҳорнинг оригиналлиги нимада? деган саволларга жавоб излайди. Бу саволларга берилган жавоблар эса илмий жиҳатдан мукаммаллиги ҳамда исботлангани билан ўқувчиларда қониқиш ҳиссини уйғотади.

Ёзувчининг «ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида лавҳалар»дан ташкил топган адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳҳор» асарида бадиийлик билан илмийлик ўзаро қоришиб, ажиб бир лирик оҳанг вужудга келган. Муаллиф устози Абдулла Қаҳҳорга бўлган улкан муҳаббатини ҳар бир сўзга, сатрга сингдириб, фикрларини юксак эҳтирос билан баён қилади. Бу эҳтирос шу қадар авж пардага кўтариладики, ҳатто ёзувчининг гўдаклиги тўғрисида гап кетганда худди уни кўриб, ўзи тарбиялаб ўстираётгандек, «Абдуллажон чақалоқлигидаёқ анча бўлиқ, ранги тоза, кўзлари тийрак» бола эди деб таърифлайди. Эҳтимол, у аслида нимжон бўлгандир? Ахир, узлуксиз суратда қишлоқдан қишлоққа кўчиб, осойишталик нелигини билмаган оила аввалги етти боласини ерга бежиз топширмагандир? Бундай азоб-уқубатлардан голиққан онанинг соғлиги чақалоққа таъсир қилган бўлиши мумкин-ку! Мумкин. Лекин Озод ака учун буниси муҳим эмас. Муҳими, бўлажак адиб гўдаклигидаёқ соғлом ва дуркун бўлиши керак! Ўқувчи О.Шарафиддинов китобидан на М.Қўшонов, на У.Норматов тадқиқотларида учратмаган кўплаб маълумотларни топади. Масалан, кўпчилик шу пайтгача А.Қаҳҳорни асосан ҳикоянавис, романнавис ва драматург сифатида танийди ва бошқа олимлар тадқиқотларида ҳам адибнинг ана шу мероси кўпроқ тадқиқ қилинган. Озод Шарафиддиновнинг гувоҳлик беришича эса Абдулла Қаҳҳор яхшигина шоир ҳам бўлган экан. «Муштум» журнали нашр этила бошланган илк сонларининг ҳар бирида унинг шеърлари ёки фелъетонлари босилиб турган. Бу журналдан ташқари «Қизил Ўзбекистон», «Янги йўл», «Янги Фарғона» каби газеталарда «Норин шилпиқ», «Ниш», «Гулёр», «Мавлон Куфур», «Эркабой» каби тахаллуслар билан эълон қилган шеъррий фелъетонлари, ҳажвий ҳикоялари қисқа муддатда юздан ошиб кетди. Олим ўз фикрларини журналнинг 20-30 йиллардаги тахламларини бирма-бир титкилаб исботлайди. Фақат А.Қаҳҳор бу шеърларини тўплам

сифатида чоп эттирмаган. Шунингдек, китобда мунаққиднинг Давлат архиви материалларидан ҳам унумли фойдалангани таҳсинга лойиқдир. Улардан А.Қаҳҳорнинг шахси ва ёзувчи сифатидаги қиёфасини тўлароқ тасаввур этиш имкони туғилади.

Ҳар учала қаҳҳоршунос олимнинг диққат марказида ҳеч шубҳасиз, ёзувчининг ёзилганидан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган «Сароб» романи туради. Китобнинг «Иккинчи чўққи» деб номланган бобида О.Шарафиддинов «Сароб» романи тўғрисида баътафсил фикр юритади. М.Қўшжонов ўзининг «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» монографиясида бу роман таҳлиliga тўхталмаган. Олимнинг бу романга бағишланган «Адашганлар фожиаси» сарлавҳали мақоласи бундан 40 йиллар муқаддам ёзилган бўлиб, унда давр тақозосига кўра коммунистик мафкура нуқтаи назаридан ёндашув сезилади. Аммо «Сароб» романи тўғрисида 80-90 йилларда айтила бошланган айрим ножоиз фикрларга устоз М.Қўшжоновнинг жавоб бермаслиги мумкин эмасди. А.Қаҳҳор руҳи олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган олим «Сароб»нинг ўтмиши ва бугуни» («ЎзАС», 17.03.1995. № 10) ҳақида бор ҳақиқатни айтишга жазм қилди. М.Қўшжоновнинг таъкидлашича, ушбу роман чорак кам бир асрдан буён танқиднинг қай даражада ва қандай йўсинда бўлишидан қатъий назар ўтган кун ҳам, кеча ҳам яшади, бугун ҳам яшамоқда, эртага ҳам яшайди. «Шундай экан, «Сароб»ни гоҳ у тарзда, гоҳ бу тарзда танқид қилавериш тўғри бўлармикин? Бизнинг назаримизда, «Сароб» бадияят жиҳатдан китобхонда завқ уйғотадиган, мазмун жиҳатдан сабоқ бўладиган, ибрат бўлиб хизмат қиладиган ҳодисаларни акс эттирган роман сифатида қолади ва кейин ҳам уни китобхонлар севиб ўқийди».

Тиниб-тинчимас олимимиз Умарали Норматов эса «Сароб» романи таҳлиliga устози О.Шарафиддинов каби қайта-қайта мурожаат қилади ва ҳар сафар у ҳақда янги гап айтишга уринади. Ҳатто биринчи бўлиб «Сароб» романига ёзувчи абсурд ғоясини сингдирганини ҳам Умарали ака айтдилар. Бинобарин, роман тақдири ҳақида энг кўп қайғурадиган, уни доимо ҳимоя қилишга шай турадиган олимлардан бири ҳозир фақат У.Норматовдир. Роман ҳақида ноўрин айтилган ҳар бир сўздан олим гўё юрагига санчилган игнадек изтироб чекади ва унга тезроқ жавоб айтишга интилади. Ҳатто ўзининг ҳам қачонлардир билиб-билмай айтиб қўйган айрим ноўрин фикрларидан азият чекиб, Абдулла Қаҳҳор руҳи олдида тавба қилади. Мунаққид ўзининг «Устоз армони» деб аталган мақоласида («ЎзАС» газетаси, 14.09.2002) улуғ адибнинг 1965 йилдаги суҳбатлардан бирида ўкинч билан «Танқид шу пайтга қадар «Сароб»дан нуқул сиёсат излади. Романдаги одамларнинг дарду дунёсини, оҳу зорини эшитадиган бирон азамат топилма-

ди» деганини эслаб, роман персонажларининг дардини, оху зорини тинглаш учун асарни қайта-қайта мутолаа қилганини ёзади. Бу мутолаанинг натижаси ўлароқ олимнинг «Мафкуравий тазйиқ ва истеъдод кудрати» номли мақоласи дунёга келди. Унда олим романдаги одамларнинг дарду дунёсини англашга, уларнинг ичига кириб, юрагидаги оху зорини эшитишга ҳаракат қилади.

Мақолада олимнинг ёзишича, «етук реализм аъёнлари руҳида яратилган «Сароб» адиб даъво қилганидек, фақат душман синф одамларини нуқул қаҳр-ғазаб билан фош этувчи саҳифалардан иборат эмас. Аслида бу хил ўринлар асарда нисбатан оз. 63 бобдан иборат романининг (учинчи нашри) бор-йўғи ўнга яқин бобида шундай лавҳалар бор. Бу роман *биринчи галда хазон бўлган муҳаббат, увол бўлган умр достони* (таркид меники - Й.С.), икки ёшнинг - бир-бирига муносиб, аслида бахт учун туғилган, аммо табиатидаги ожизликлар туфайли ҳаётда чалғиган, адашган қалбларнинг аччиқ фожей қисмати, руҳий изтироблари ҳақидаги асар сифатида ўқувчини ҳаяжонга солади»(23, 25-бетлар). Дарҳақиқат, синчиклаб қаралса, Саидий ҳам, Муниҳон ҳам инқилобий муҳит бўронида адашиб, йўлини тополмаган ожиз кимсалар, уларни шу кўйга солиб қўйган муҳит эса «бутун саҳрони янгра-тиб» чинқирган паровоз сингари ҳам жисман, ҳам маънан янчиб ўтганлигини сезмаслик мумкин эмас. Демак, асар наҳарамонларини «миллатчи, социалистик тузум душмани» деб айбондан аввал уларнинг дарду дунёсига, оху зорларига қулоқ солинса, «Саидий билан Муниҳон муҳаббати, улар умрининг завол топишида, шубҳасиз, бу ёшлар тушиб қолган шароит, вазият, зиддиятларга тўла даврнинг ҳиссаси, таъсири катта» эканига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин (25).

Устоз адабиётшунос О.Шарафиддиновнинг ҳам «Сароб» романи хусусида сўнги йилларда чиқарган хулосалари гоёат ибратлидир. Унинг ёзишича, ««Сароб» романи **шунчаки** буржуа миллатчилигининг идеологиясини фош қилувчи, буржуа миллатчиларнинг разил башараларини очиб ташловчи асар эмас (ваҳоланки, асарга шу пайтгача шундай баҳо берилган - Й.С.). Бу масала ҳар қанча муҳим бўлмасин, ҳар қанча долзарб бўлмасин, йирик бир романининг гоёвий мундарижаси учун асос бўладиган кудратга эга эмас. «Сароб» романининг асосини ташкил қилувчи гоёвий ният худбинликни ёхуд индивидуализм иллатларини бадий тадқиқ қилишдир»(61-бет). Олимнинг бу фикрлари ўтган асрнинг 80-йилларида айтилган. Кейин замонлар янгилашиб, фикрлар ўзгарди. Табиийки, А.Қаҳҳорнинг «Сароб» романи ҳақидаги эскича қарашларни ҳам тафаккур элагиди саралашга эҳтиёж туғилди. Бу масъулиятли юкни ҳам биринчи бўлиб Озод ака ўз зиммасига олди. 1995 йилда ёзган «Чинорлардан бири» номли мақоласида юмплоққина қилиб,

«романда миллатчиликни фош қилиш **унча** сезилмайди» деган бўлса, 5-6 йил ўтгач, «Роман матнини синчиклаб кўздан кечирилса, босиқлик билан таҳлил қилинса, миллатчиликни фош этиш адибнинг **асосий** ғоявий нияти бўлмагани аён бўлади. Ҳатто Саидий учун ҳам миллатчилик асосий, етакчи, доимий сифат эмас. У йўл-йўлакай миллатчи бўлган ва уни ҳалокатга олиб келадиган омил ҳам миллатчилик эмас. Ҳар ҳолда Саидий биринчи навбатда худбинлик қурбони бўлди»¹⁴ дея мардона хулосага келади. Мен эътиборингизни устоз мунаққиднинг ушбу кўчирмаларда таъкидланган учта иборасига жалб этмоқчиман. Биринчи кўчирмадаги «шунчаки», иккинчисидаги «унча» ва охириги мисолда айтилган «асосий» сўзлари олимнинг илмий тафаккурида чинакамига янгиланиш юз берганидан далолатдир.

Демак, бу янгича қарашлардан аён бўладики, «Сароб» романининг бош ғояси миллатчилик ва унинг намояндаларини фош қилиш эмас, балки ўз талантига, гўзаллигига ортиқча баҳо бериб, ўзligидан жудо бўлган худбин кимсаларнинг фожиасини кўрсатишдан иборатдир. Менимча, А.Қаҳҳор бундай кимсаларнинг бадиий қиёфасини яратишни анча олдинроқ ният қилган. Буни отасининг чизган чизиғидан чиқолмай хароб бўлган Фахриддин, таъяхонадаги муҳитда Олим саркор мақтовларига учиб, охири майиб бўлган Сагторларнинг тимсоли ҳам исботлаб турибди. Ана шу ва яна бошқа кўплаб фазилатларига, бадиий тасвирдаги реалистик тамойилларнинг мавқеига кўра «Сароб» романи «20-йиллардаги ўзбек воқелигини сиртдангина эмас, ичдан ҳам теран акс эттирган, том маънода юксак ғоявийлик билан суғорилган, психологик характеристикаларнинг мукамаллиги билан, бадиий баркамоллиги билан, ўзбек адабиётида реалистик методнинг шаклланишида катта рол ўйнаши билан Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кушлар» романидан кейин ўзбек прозаси забт этган **иккинчи чўққи** деса бўлади» (О.Шарафиддинов). Албатта, ҳақиқий бадиий асар оддий китобхонларнинг ҳам, адабий жамоатчиликнинг ҳам доимий баҳс-мунозарасига сабаб бўлиб келади. Унинг яшовчанлиги, умрбоқийлиги шунда. «Сароб» ана шундай асарлар сирасидан.

Йиллар ўтар, асрлар ўтар... Чинор эса бўйига ҳам, энига ҳам тобора ўсиб, катталашиб бораверади. Унинг атрофидагилар ҳам улғайиб бораверади. Бу табиат қонуни. Чинорни зиёрат қилгани келганлар албатта, аввал шу уч нафар посбон-олимини тавоф қилиб ўтсалар яхши бўларди. Чунки уларнинг фатвосисиз чинорнинг моҳиятини англаб етиш қийин. Бу ҳақиқатни унутмайлик.

¹⁴ Н.Каримов, Б.Назаров ва б. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. Т., «Ўқитувчи», 1999.269-бет.

МУНДАРИЖА

Сирлар оламига саёҳат	4
«Бошсиз одам»нинг такомиллашуви	10
«Қотилнинг туғилиши»дан «Сароб»га	17
«Синчалак» парвозидан кутилган ният	31
Чинор ҳақида ўйлар	42

Адабий-бадий нашр

Йўлдош СОЛИЖОНОВ

СЎЗ СЕҲҲГАРИ

Муҳаррир: Бахтиёр Каримов
Мусаҳҳиҳ: Шоира Нурова
Тех. муҳаррир: Юсуп Сабуров

Босмахонага топширилди 07. 08. 2007й.

Босишга рухсат этилди 03. 09. 2007й.

Шартли босма табоғи 3,4. Нашриёт босма табоғи 3,7.

Адади 1000. Буюртма № 112

Баҳоси шартнома асосида

«Ишлаб чиқариш тижорат маркази» босмахонаси
Буюк Турон, № 41



Абдулла Қаҳҳор ўзбек
адабиётининг улкан
намоёндалари— Ойбек, Ғафур
Ғулом, Зулфияхоним ҳамда
бошқа ижодкорлар
даврасида